Боқий фикр

*Аёллар — фаришталарнинг опа-сингилларидир.*

Алишер НАВОИЙ

Kuch — bilim va tafakkurda

# Ma'rifat

ENLIGHTENMENT — XALQ ZIYOLILARI GAZETASI — معرفت

1931-yildan chiqa boshlagan • E-mail: info@marifat.uz • 2012-yil 8-mart, payshanba № 19 (8460)

# ЎЗБЕКИСТОН ХОТИН-ҚИЗЛАРИГА БАЙРАМ ТАБРИГИ

Муҳтарама онахонлар!

Қадрли опа-сингиллар, дилбар қизларим!

Гўзал диёримизга барчамиз соғиниб кутган баҳор нафаси кириб келаётган мана шу нурафшон кунларда сиз, азизларни, сизларнинг тимсолингизда бутун Ўзбекистон хотин-қизларини 8 март байрами билан қизғин табриклаб, сизларга ўзимнинг самимий туйғу ва тилакларимни изҳор этишдан бахтиёрман.

Барчамизга аёнки, оналарни, аёл зотини эъзозлаш эл-юртимиз учун азал-азалдан эзгу қадрият бўлиб келган. Бунинг тасдиғини тарихимизда, ҳаётимизда, мумтоз адабиётимизда кўплаб мисолларда яққол кўриш, кузатиш мумкин.

Бу ҳақда сўз юритар эканмиз, буюк мутафаккир бобомиз Алишер Навоийнинг "Аёллар — фаришталарнинг опа-сингилларидир" деган сўзлари замирида нақадар чуқур ҳаётий фалсафа мужассам эканини англаш қийин эмас, деб ўйлайман.

Биз меҳр-муҳаббат ва одамийликнинг илк сабоқларини азиз оналаримиздан, уларнинг бешигимиз узра парвона бўлиб айтган алла оҳангларидан оламиз. Қалбимизда неки олижаноб туйғулар бўлса, уларнинг барчаси аввало оналаримиздандир. Дунёда муқаддас деган сўзга энг муносиб зот ҳам — Онадир. Шу боис токи ҳаёт бор экан, инсон мўътабар Она сиймоси олдида доимо бош эгиб, таъзим қилади.

Шу фурсатдан фойдаланиб, барчамизнинг кўнглимизда, дилимизда бўлган бир фикрни таъкидлаш жоиз, деб биламан.

Биз сизларни — меҳрибон ва мунис аёлларимизни ҳамиша фидойилик, вафо ва садоқат, нафосат ва латофат тимсоли сифатида улуғлаб келамиз ва умрбод сизлардан миннатдор бўлиб яшаймиз, десак, айни ҳақиқатни айтган бўламиз.

Азиз опа-сингиллар!

Сизларга яхши маълумки, мен ўзимнинг чиқишларимда, амалий ишларимда хотин-қизларни улуғлаш, уларнинг ҳаётимиздаги ўрни ва нуфузини янада ошириш масаласига жуда катта эътибор бериб келаман. Она диёримизда яшаётган барча аёлларни дунёдаги энг гўзал ва меҳрибон аёллар деб, Яратганнинг тенгсиз мўъжизаси, деб, доимо чин қалбдан, юракдан билдирадиган самимий сўзларимни юртимиз ўғлонларининг фикри сифатида, аёл зотига бўлган ҳурмат-эҳтиром ва севги изҳори сифатида қабул қилишингизни истардим.

Мустақил тараққиёт йўлида бошимизга оғир синов ва қийинчиликлар тушган машаққатли даврда айнан сиз, аёлларнинг меҳнаткашлик ва шукроналик, чидам ва сабр-бардош каби юксак инсоний фазилатларни намоён этиб, эл-юртимизда тинчлик ва осойишталикни, жамиятимизда меҳр-оқибат ва аҳиллик муҳитини сақлаш ва мустаҳкамлашда, бугунги мана шундай ёруғ кунларга, бутун дунё тан олаётган марраларга етиб келишда сиз, азизларнинг беқиёс ҳиссангиз борлигини мен ҳеч қачон унутмайман ва бу ҳақда доимо миннатдорлик билан такрор ва такрор гапиришга тайёрман.

Мамлакатимизда аёлларга бўлган юксак ҳурмат-эътибор ва ғамхўрликнинг амалий исботи сифатида кейинги йилларда хотин-қизларнинг жамият ҳаётидаги роли ва таъсирини кучайтириш, уларнинг ҳуқуқий, ижтимоий, иқтисодий ва маънавий манфаатларини ҳимоя қилишга қаратилган 80 дан ортиқ миллий ва халқаро ҳужжатлар қабул қилинганини алоҳида қайд этиш лозим.

Шулар қаторида Оила, Аёллар, Соғлом авлод, Она ва бола, Обод маҳалла, Сиҳат-саломатлик, Баркамол авлод йиллари муносабати билан қабул қилинган давлат дастурлари, кўплаб фармон ва қарорлар айни шу мақсадларга хизмат қилмоқда.

Ана шундай ҳаракатларимизнинг яққол ифодасини ҳозирги вақтда қишлоқ ва шаҳарларимиз қиёфаси тубдан ўзгариб, юртимиз, Ватанимиз тобора чирой очиб, бозор ва дўконларимиз, дастурхонларимиз тўкин-сочин бўлиб бораётганида, айтиш керакки, аёлларимиз ўзларининг нозик елкаларида кўтариб келаётган кундалик ташвишларни енгил қилиш борасидаги ишларимизда, бир сўз билан айтганда, халқимизнинг ҳаёт фаровонлиги, турмуш маданияти юксалаётганида кўриш мумкин ва буларнинг барчаси шу заминда яшаётган ҳар бир инсонга мамнуният бағишлайди.

Бугунги кунда хотин-қизларнинг сиёсий-ижтимоий фаоллигини ошириш, уларнинг ҳокимият ва бошқарув идоралари, вакиллик органлари фаолиятида, тадбиркорлик ва фермерлик соҳасида муносиб иштирок этишини таъминлаш, ўз қобилият ва истеъдодини рўёбга чиқариши учун имконият яратиш мақсадида олиб бораётган кенг кўламли ишларимиз тобора кучайиб, ўз ҳосили ва самарасини бераётгани айниқса эътиборлидир.

(Давоми 2-бетда.)

# ОИЛА ЧИРОЙИ ВА ЧАРОҒБОНИ

**"Туркистон" саройида 7 март куни Халқаро хотин-қизлар байрами муносабати билан тантанали йиғилиш бўлиб ўтди**

Юртимизда баҳор нафаси сезила бошлаган айни кезларда гўзал аёлларимиз байрами — Халқаро хотин-қизлар кунининг нишонланиши ўзгача мазмун-моҳият касб этади. Бу айём, азиз аёлларимизнинг жамиятда тутган ўрнига мос равишда, катта шоду хуррамлик билан кенг нишонланади.

Мустақиллик майдонида қад ростлаган ҳурриятимиз, порлоқ истиқболимиз ва эзгу ниятларимиз рамзи — Мустақиллик ва эзгулик монументи — Бахтиёр она ҳайкали юртимизда хотин-қизлар масаласи давлат сиёсатининг устувор йўналиши эканлигининг, оила қўрғонининг ҳам чиройи, ҳам чароғбони бўлган аёл зотига кўрсатилаётган юксак эътибор ва эҳтиромнинг ёрқин ифодасидир.

7 март куни хотин-қизлар қўмиталари фаоллари, иқтисодиёт, ҳуқуқ, илм-фан, таълим, маданият ва санъат соҳаларида самарали меҳнат қилаётган хотин-қизлар ушбу монумент пойига гуллар қўйдилар.

Пойтахтимиздаги «Туркистон» саройида 8 март — Халқаро хотин-қизлар куни муносабати билан тантанали йиғилиш бўлиб ўтди. Тадбирда турли соҳаларда кўп йиллардан буён самарали меҳнат қилаётган хотин-қизлар, нуроний онахонлар, диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчилар, жойлардаги хотин-қизлар ташкилотлари, турли вазирлик ва идоралар вакиллари, Зулфия номидаги Давлат мукофоти совриндорлари иштирок этди.

(Давоми 2-бетда.)

# СПОРТЧИ ҚИЗЛАРГА БАЙРАМ ТУҲФАСИ

*Prezident sovg'asi*



**Баҳор — турфа айёмлар фасли. Гўзаллик ва нафосат уйғунлашган сана — Халқаро хотин-қизлар куни арафасида мамлакатимиз қизларига Президент совғаси сифатида спорт кийимларининг улашилиши эса бу байрамга ўзгача файз қўшди.**

**Маълумки, Юртбошимиз Ўзбекистон Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси Ҳомийлик кенгашининг шу йил 10 февраль куни ўтказилган йиғилишида спортни таълим-тарбия билан ўзаро уйғун равишда изчил ривожлантириш давр талаби эканини алоҳида уқтирганди. Шунингдек, ушбу кенг кўламли жараёнда хотин-қизлар спортини ривожлантиришга алоҳида ғамхўрлик кўрсатилишига юксак аҳамият қаратилиши ҳам ҳар томонлама муҳим масаладир.**

**Шу нуқтаи назардан, Президентимизнинг ташаббуси билан махсус миллий спорт кийимлари тайёрланиб, республикамизнинг барча ҳудудларида спорт билан шуғулланиб келаётган 19 мингга яқин қизларимизга совға сифатида тарқатилаётгани эътиборлидир.**

(Давоми 2-бетда.)

# ЎЗБЕКИСТОН ХОТИН-ҚИЗЛАРИГА БАЙРАМ ТАБРИГИ

**(Давоми. Боши 1-бетда.)**

Юртимиздаги ҳар қайси ота-она, бутун халқимизнинг эзгу орзуси бўлмиш ҳар томонлама соғлом наслни вояга етказишда "Соғлом она — соғлом бола" дастури доирасида барча ҳудудларимизда перинатал ва скрининг марказлари, минглаб қишлоқ врачлик пунктлари ташкил этилгани, ихтисослаштирилган шифохоналар ҳамда шошилинч тиббий ёрдам хизматидан иборат замонавий тизим яратилгани аҳолимизнинг, биринчи навбатда аёлларимизнинг саломатлигини асраш ва мустаҳкамлаш йўлида қўйилган тарихий қадам бўлди.

Бу ҳақда гапирганда, мустақиллик йилларида оналар ва болалар ўлими 3 марта камайгани, аёлларнинг ўртача ёши 67 ёшдан 75 ёшга кўтарилгани, ҳеч шубҳасиз, айнан ана шундай амалий ҳаракатларимизнинг самараси, десак, хато бўлмайди.

Кейинги пайтда мамлакатимиз пойтахти Тошкент шаҳрида бўлиб ўтган халқаро анжуманларда соғлиқни сақлаш, оила, оналик ва болаликни ҳимоя қилиш, таълим-тарбия соҳаларида биз қўлга киритаётган улкан натижалар дунёдаги кўзга кўринган олим ва мутахассислар, нуфузли халқаро ташкилотлар томонидан юксак баҳоланиб, ибрат сифатида эътироф этилгани сизларга яхши маълум, албатта. Биз эришган бундай ютуқлар негизида аввало сиз, жонкуяр ва фидойи опа-сингилларимизнинг билим ва тажрибаси, машаққатли меҳнати мужассам эканини барчамиз яхши биламиз ва юксак қадрлаймиз.

Ҳурматли ватандошлар!

Ҳар қандай жамиятнинг фаровонлиги ва маънавий соғломлигининг асосий мезони аввало оиланинг аҳиллиги, оиланинг мустаҳкамлигида намоён бўлади.

Шу маънода, 2012 йилнинг юртимизда "Мустаҳкам оила йили" деб эълон қилиниши "Оила соғлом экан — жамият мустаҳкам, жамият мустаҳкам экан — мамлакат барқарор" деган инсонпарвар тамойилни ҳаётимизда қарор топтиришда, ҳеч шубҳасиз, янги, юксак бир босқич бўлади.

Ҳаммамизга маълумки, яқинда биз бу борада кенг миқёсдаги амалий тадбирларни ўз ичига олган давлат дастурини тасдиқладик. Ушбу дастур ижросини таъминлаш учун 1 триллион 500 миллиард сўмга яқин ва 114 миллион доллар миқдоридаги кенг кўламли маблағ йўналтириш кўзда тутилмоқда.

Бу ишларни амалга оширишда давлат ва нодавлат ташкилотлари, жамоатчилигимиз, бутун халқимизнинг фаол иштироки талаб этилишини барчамиз яхши тушунамиз. **Айни вақтда шуни алоҳида таъкидлаш керакки, оилани ҳақиқатан ҳам мустаҳкам оила қилиш, уни том маънода жамиятимизнинг ҳал қилувчи бўғинига айлантиришда хонадонларимизнинг чироғи, кўрки ва файзи бўлган сиз, ҳурматли аёлларнинг ўрни ва таъсирини ҳеч нарса билан ўлчаб, баҳолаб бўлмайди ва бу вазифаларни адо этишда мен сизларга, сизларнинг улкан салоҳиятингизга ишонаман.**

Муҳтарам юртдошлар!

Биз мустақил тараққиёт йилларида — тарихан қисқа бир даврда беқиёс ютуқ ва марраларга эришдик. Биз қўлга киритган юксак натижаларни дунё тан олди. Энг муҳими — юртимизда тинчлик-осойишталик ҳукм сурмоқда, иқтисодиётимиз барқарор ўсиш суръатлари билан ривожланиб бормоқда.

Биз ўз олдимизга қўйган узоқ муддатли улкан мақсадлар, яъни замонавий ривожланган демократик давлатлар қаторига кириш, халқимизнинг ҳаёт даражаси ва сифатини янада яхшилаш, жаҳон ҳамжамиятида муносиб ўрин эгаллаш вазифаси барчамиздан бирдамликни, бир ёқадан бош чиқариб, ўзимизни аямасдан, астойдил меҳнат қилишни талаб этади ва бу борада мен олижаноб, бағрикенг халқимизни, сиз, муҳтарама аёлларимизни бундан буён ҳам ўзимнинг энг яқин маслакдошим, таянчим ва суянчим, деб биламан.

Қадрли опа-сингиллар!

Сизларни баҳор элчиси бўлган, ўзингиздек гўзал ва дилбар байрамингиз билан яна бир бор табриклар эканман, барчангизга сиҳат-саломатлик, бахт ва омад, хонадонларингизга файзу барака тилайман.

Фарзандларингиз ва яқинларингиз, элу юртимиз бахтига ҳамиша омон бўлинг, азизларим, меҳрибонларим!

**Ислом КАРИМОВ,**
**Ўзбекистон Республикаси Президенти**

# ОИЛА ЧИРОЙИ ВА ЧАРОҒБОНИ

**(Давоми. Боши 1-бетда.)**



Тантанали йиғилишни Тошкент шаҳар ҳокими вазифасини бажарувчи Р.Усмонов очди.

Президентимиз Ислом Каримовнинг Ўзбекистон хотин-қизларига байрам табригини Президентнинг Давлат маслаҳатчиси Х.Султонов ўқиб эшиттирди.

Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари, Республика Хотин-қизлар қўмитаси раиси Э.Боситхонова Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида мамлакатимизда хотин-қизларнинг қонуний ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлаш, уларга муносиб шарт-шароитлар яратиш, қобилиятларини рўёбга чиқариш, оила, оналик ва болаликни ҳимоя қилиш борасида амалга оширилаётган кенг кўламли ишлар юксак самаралар бераётганини таъкидлади.

Давлатимиз раҳбарининг 2004 йил 25 майда қабул қилган «Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси фаолиятини қўллаб-қувватлаш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги фармонининг ижроси хотин-қизларнинг сиёсий-ижтимоий фаоллигини ошириш, маънавий ва интеллектуал салоҳиятини юксалтириш, уларни иш билан таъминлаш ва тадбиркорликка жалб этишда муҳим омил бўлмоқда.

Бугунги кунда умуммиллий ҳаракатга айланган "Соғлом она — соғлом бола" мақсадли дастури доирасида амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотлар дунё ҳамжамиятида катта ҳайрат ва ҳавас уйғотмоқда. 2011 йили Тошкентда бўлиб ўтган халқаро симпозиумда ҳам бу Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти, ЮНИСЕФ ва бошқа нуфузли халқаро ташкилотлар томонидан алоҳида эътироф этилди.

Мамлакатимизда болалар спортини ривожлантириш, жамиятда соғлом турмуш тарзини қарор топтиришга қаратилган саъй-ҳаракатларда қизларни спортга жалб этиш масаласи алоҳида ўрин тутади. Бунинг учун барча зарур шарт-шароитлар яратилмоқда, спортнинг қизларимизга мос турлари жадал ривожланмоқда.

Хотин-қизлар ўртасида спортни янада оммалаштириш мақсадида ушбу байрам арафасида Қорақалпоғистон Республикаси ва барча вилоятларда ўқувчи қизларга махсус спорт кийимлари топширилди. Президентимиз ташаббуси билан амалга оширилган ушбу тадбир мамлакатимиздаги минг-минглаб қизларга муносиб байрам туҳфаси бўлди. Зеро, бу дунёнинг ҳеч бир мамлакатида мавжуд бўлмаган, халқимизнинг бетимсол қадриятларига уйғун эзгу ва ноёб анъанадир.

Энг муҳими, бу хайрли иш қизларда спортга иштиёқни оширади. Бу келгусида спорт билан шуғулланувчилар сафининг янада кенгайишига, уларнинг соғлом, бақувват ва мустаҳкам иродали бўлишига ҳамда баркамол авлодларнинг дунёга келишига хизмат қилади.

Республика Хотин-қизлар қўмитаси томонидан таълим муассасаларида ташкил этилаётган "Ораста қизлар" тўгараги ўқувчи ва талаба қизларни мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотларнинг мазмун-моҳияти билан таништириш, уларнинг тиббий маданиятини юксалтириш, ўз саломатлигини асраб-авайлаш учун шахсий масъулиятини кучайтиришда муҳим омил бўлмоқда.

"Мустаҳкам оила йили" Давлат дастурида хотин-қизлар масаласига алоҳида эътибор қаратилган. Уларнинг турмуш фаровонлигини таъминлаш, соғлиғини сақлаш, оғирини енгил қилиш йўлида кўплаб чора-тадбирлар белгиланган.

Дастурга биноан, жорий йилда кичик бизнес ва микрофирмаларни ривожлантириш ҳисобига аёлларимиз учун 240 мингта янги иш ўрни яратилади. Уларни тадбиркорлик фаолиятига жалб этиш мақсадида уч минтақавий Бизнес-инкубатор фаолияти йўлга қўйилади, бизнес-форумлар, семинарлар ташкил этилади. Фертиль ёшдаги аёллар ва қизларни комплекс тиббий кўрикдан ўтказиш ва соғломлаштириш қамрови янада кенгаяди.

— Ушбу байрам тадбирига йиғилган, юртимизнинг турли ҳудудларидан келган ҳар бир хотин-қизнинг юзида мамнуният ифодасини кўриш мумкин, — дейди Андижон вилояти Шаҳрихон туманидаги 59-умумий ўрта таълим мактабининг она тили ва адабиёт фани ўқитувчиси, "Шуҳрат" медали соҳибаси Арофатхон Усмонова. — Бу уларнинг жамиятда ўз ўрнини топгани, фарзандлари камолини кўраётгани, оиласи мустаҳкам ва фаровонлигидан далолатдир.

Тадбирда Президентимиз Ислом Каримовнинг қарорига мувофиқ адабиёт, санъат, фан, таълим, маданият соҳаларида эришган алоҳида ютуқлари учун Зулфия номидаги Давлат мукофоти билан тақдирланган 14 нафар қизга ана шу юксак мукофотлар тантанали равишда топширилди.

Зулфия номидаги Давлат мукофотининг бу йилги соҳибалари — Наманган давлат университети қошидаги академик лицей ўқувчиси Меҳринсо Аббосова, Тошкент тиббиёт академияси қошидаги академик лицей ўқувчиси Шоҳида Зоҳидова ва бошқалар хотин-қизларни жамият ҳаётидаги фаоллигини янада ошириш борасида кўрсатаётган доимий эътибори ва ғамхўрлиги учун Президентимиз Ислом Каримовга самимий миннатдорлик билдирдилар.

Сарой фойесида Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси, Бадиий академия, «Хунарманд» уюшмаси ҳамкорлигида бадиий, ҳунармандчилик ва касаначилик маҳсулотлари кўргазмаси ташкил этилди.

Кечада санъат усталари ва ёш ижрочиларнинг байрам концерти намойиш этилди.

Йиғилишда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Раиси И.Собиров, Қонунчилик палатаси Спикери Д.Тошмуҳамедова, Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Ш.Мирзиёев иштирок этди.

**Анвар САМАДОВ,**
**ЎзА мухбири**
**ЎзА сурати.**

# СПОРТЧИ ҚИЗЛАРГА БАЙРАМ ТУҲФАСИ

(Давоми. Боши 1-бетда.)

## АНДИЖОН

Кеча Андижон олимпия захиралари коллежида 6 ёшдан 18 ёшгача бўлган қизларга Президентимиз совғаси — спорт кийимларининг тантанали суратда топширилиши ҳам ёш авлод камоли йўлидаги ғамхўрлик бўлди. Мунис оназонларимиз, қизалоқларимизнинг севимли айёми арафасида айнан спортга дўст тутинган қизларга спорт кийимларининг совға қилинишида ўзига хос маъно бор.

Тадбирга йиғилган ўқувчи-қизларни Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазири Т.Ширинов яқинлашиб келаётган қутлуғ сана муносабати билан муборакбод этди. Сўнг Андижон вилояти ҳокими ўринбосари, вилоят хотин-қизлар қўмитаси раиси Н.Ёқубова қизларга спорт ва ҳаётда улкан зафарлар тилади. Маросим давомида Андижон шаҳри ва вилоятининг турли туманларидан ташриф буюрган 901 нафар спортчи қиз махсус кийимлар билан тақдирланди.

— Теннис ва волейбол билан шуғулланишни жуда яхши кўраман, — деди Андижон шаҳридаги 4-мактабнинг 9-синф ўқувчиси Муаззам Бозорбоева. — Президентимиз томонидан беркамол вояга етишимизга даъват сифатида тақдим этилган спорт кийимлари бизни доимо ҳаракатга ундайди.

Тадбирда ёш спортчилар, санъат ғунчалари ўзларининг кўргазмали чиқишлари билан йиғилганларни мамнун қилишди. Шу куни Андижон шаҳрининг бошқа ҳудудларида ҳам тантаналар ўтказилиб, 3428 нафар ўқувчи-қиз спорт кийимлари билан тақдирланди.

**Орифжон СИДДИҚОВ**

## ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ

Қорақалпоғистон Республикасидаги умумтаълим мактаблари, академик лицей ва касб-ҳунар коллежларининг спорт билан шуғулланаётган ўқувчи-қизларига спорт кийимлари совға қилиш тадбирлари кўтаринки кайфиятда ўтказилди.

Республика туман ва шаҳарларидан 8097 нафар ўқувчи-қизга спорт кийимлари тантанали равишда тортиқ этилди. Айниқса, Хўжайли, Нукус, Мўйноқ, Қўнғирот, Кегайли, Тахиатош ва Нукус туман ва шаҳарларида ўтган тадбирлар чинакам байрамга айланиб кетди. Уларда шаҳар ҳамда туман ҳокимлари, Хотин-қизлар қўмитаси раислари, маданият ва спорт ишлари бўлим бошлиқлари, халқ таълими муассасалари фаолиятини методик таъминлаш ва ташкил этиш бўлими мудирлари, Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси вакиллари, «Маҳалла» хайрия жамғармаси, «Камолот» ЁИҲ вакиллари қизларни байрам билан табриклаб, келгусидаги ўқиш ва ишларида улкан муваффақият ёр бўлишини тилади.

— Бугунги тадбирдан, ундаги табриклар ва энг муҳими, совға олганимдан хурсандман, — деди Мўйноқ туманидаги 3-мактабнинг 7-синф ўқувчиси Айнура Калбаева. — Мен икки йилдан буён мактабимизда ташкил этилган волейбол тўгарагига мунтазам равишда қатнашиб келяпман. Бизнинг жамоа «Умид ниҳоллари-2012» спорт мусобақаларининг туман босқичида 2-ўринни эгаллади. Бу келгусида нафақат туман, балки республика босқичида ҳам иштирок этиб, ғолибликни қўлга киритишимизда ўзимизга бўлган ишончни мустаҳкамлади.

**Азамат ПИРНИЯЗОВ**

## НАМАНГАН

Республикамизнинг барча вилоятларида бўлгани каби Наманганда ҳам 8 март — Халқаро хотин-қизлар куни арафасида 16037 нафар спортчи қизга Юртбошимизнинг совғалари тантанали равишда топширилди. Улардан 12408 нафари вилоят ХТБга қарашли умумтаълим мактабларининг, 3629 нафари эса ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасалари ўқувчиларидир.

Вилоят миқёсидаги асосий тақдирлаш маросимлари Тўрақўрғон туман 33-сонли болалар ва ўсмирлар спорт мактабида, Янгиқўрғон туманидаги Искавот 1-ТИП болалар спорт мажмуаси ва Наманган шаҳридаги "Баркамол авлод" спорт мажмуасида ўтказилди. Шунингдек, бошқа туманларда ҳам спортчи қизларни тақдирлаш маросими катта тантана қилинди.

— Баҳорнинг илк кунларида ёдимда бир умр сақланиб қоладиган воқеа рўй берди, — дея бийрон-бийрон гапирди Уйчи туманилик 6 ёшли Рисолат Ҳамидуллаева. — Мен вилоятимиздаги чекка қишлоқлардан биридаги мактабнинг 1-синфида ўқияпман. Шу билан бирга, бадиий гимнастика билан ҳам мунтазам шуғулланаман. Яқинда вилоят чемпионати ўтказилди ва унда 2-ўринни қўлга киритдим. Президент бобомизнинг бизга берган совғасидан ҳамма дугоналарим қатори мен ҳам жуда хурсандман.

**Хайрулла АБДУРАҲМОНОВ**

## ФАРҒОНА

Марғилон шаҳридаги 2-болалар ва ўсмирлар спорт мактабида спорт билан мунтазам шуғулланиб келаётган марғилонлик 1039 нафар ёш спортчи қизга ҳам Президентимиз совғаси сифатида спорт кийимлари тантанали равишда туҳфа этилди.

Тадбирда вилоят ҳокими ўринбосари, хотин-қизлар қўмитаси раиси М.Хўжаева, Марғилон шаҳар ҳокими Ш.Эркабоев ҳамда вилоят халқ таълими бошқармаси бошлиғи З.Тешабоев ва жамоатчилик вакиллари иштирок этишди.

— Президентимизнинг биз каби минглаб спортчи қизларга эътибор бериб, мана шундай ажойиб спорт кийимларини туҳфа этганидан бошимиз осмонга етмоқда, — деди Марғилон шаҳридаги 1-умумтаълим мактаби ўқувчиси Эъзоза Ҳасанова. — Шу йилнинг 15—17 февраль кунлари Тошкент шаҳрида енгил атлетика бўйича бўлиб ўтган Ўзбекистон биринчилигида 1999-2000 йилда туғилган қизлар ўртасидаги мусобақада кумуш медални қўлга киритдим. Ёшларимизга, хусусан, қизларимизга кўрсатилаётган ғамхўрликка ўз ғалабаларимиз билан муносиб жавоб беришга ҳаракат қиламиз.

Худди шундай тадбир вилоятдаги бошқа шаҳар ва туманларда ҳам бўлиб ўтди.

Шу ўринда таъкидлаш жоизки, вилоятда яратилаётган замонавий шарт-шароит ва имкониятлар туфайли янги ташкил этилган спорт секцияларида бадиий гимнастика бўйича 3254 нафар, стол тенниси бўйича 2345 нафар, волейбол бўйича 2108 нафар, қўл тўпи бўйича 84 нафар, баскетбол бўйича 743 нафар, енгил атлетика бўйича 392 нафар, спорт гимнастикаси бўйича 94 нафар, сузиш бўйича 112 нафар, футбол бўйича 200 нафар, чим устида хоккей бўйича 120 нафар, таэквандо бўйича 197 нафар, шахмат бўйича 246 нафар, кураш турлари бўйича 747 нафар ва бошқа спорт турлари бўйича 955 нафар ўқувчи-қиз мунтазам шуғулланмоқда.

**Баҳодир ШОКИРОВ**

## САМАРҚАНД

— Байрам муносабати билан Самарқанд вилоятидаги барча шаҳар ва туманларда истиқомат қиладиган 25775 нафар спорт билан доимий шуғулланаётган ва кам таъминланган оилаларнинг қизларига спорт кийимлари туҳфа этилди, — деди БСРЖ вилоят филиали раҳбари Фурқат Хожиев.

Тақдирлаш маросимлари вилоятнинг барча туманларида кўтаринки кайфиятда ўтказилди. Жумладан, Каттақўрғон туманидаги 2-умумтаълим мактабида ҳам тумандаги спортчи ўқувчи-қизларга Президент совғалари — спорт кийимлари топширилди.

8 март – Хотин-қизлар байрами муносабати билан ташкил этилган ушбу тантанали тадбирда вилоят ва туман ҳокимликлари вакиллари, Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси вилоят филиали ходимлари, ўқитувчилар ва мураббийлар, маҳалла фаоллари ва ота-оналар қатнашди. Сўзга чиққанлар мамлакатимизда Президентимиз раҳнамолигида болалар, хусусан, қизлар спортини ривожлантиришга қаратилаётган эътибор ва ундан кўзланган эзгу мақсадлар ҳақида гапиришди.

Бугун тумандаги 6 ёшдан 18 ёшгача бўлган мактаб ва касб-ҳунар коллежи ўқувчи-қизларининг 7125 нафари спорт тўгаракларига жалб қилинган. Уларнинг орасидан байрам туҳфасини қўлга киритган 2085 нафар спортчи қиз бу эътибордан мамнун эканлигини изҳор қилишди.

— Икки йилдан буён стол тенниси билан шуғулланаман, — деди 11-мактабнинг 9-синф ўқувчиси Нозима Қурбонова. — Мактабимиздаги қулай имкониятлардан унумли фойдаланиб, ўз маҳоратимни оширмоқдаман. Турли мусобақаларда қатнашиб, биринкетин яхши натижаларга эришяпман. Очиғи, «Умид ниҳоллари-2012» спорт мусобақаларининг вилоят босқичига йўлланма олганимда қандай қувонган бўлсам, бугунги тадбирда ҳам шундай шодликка тўлиб турибман.

**Ҳаким ЖЎРАЕВ**

## СИРДАРЁ

Сирдарё вилоятида ҳам спорт кийимларини топшириш маросимлари чинакам байрам тусини олди. Хусусан, 5 март куни Гулистон шаҳридаги «Алпомиш» спорт мажмуасида мактабларда таҳсил олиш билан бирга спорт билан мунтазам шуғулланаётган 6 ёшдан 18 ёшгача бўлган 668 нафар қизга спорт кийимлари совға қилинди.

Замонавий ва миллий бичимлар асосида тикилган бежирим спорт либосларини вилоят ҳокими Ойбек Ашурматов, Ўзбекистон Республикаси архитектура ва қурилиш давлат қўмитаси раиси ўринбосари Азамат Тўраев тантанали равишда топширди. Шу куни Гулистон туманидаги 17, Мирзаобод туманидаги 26-мактабда ҳам Президент совғаларини ўз соҳибаларига етказиш тадбирлари бўлиб ўтди.

— Бугун спортга меҳр қўйиб, ўз саломатлигини мустаҳкамлаётган, мусобақаларда юксак натижаларга эришаётган ўғил-қизларимиз келажакда соғлом оилаларни вужудга келтиради. Мазкур олижаноб ғамхўрлик замирида ҳам миллатимиз давомчилари бўлмиш қизларимизни спортга янада кўпроқ жалб этиш орқали уларнинг ақлли, билимдон ва соғлом бўлиб улғайишларига қаратилган устувор мақсад бор, — деди мамнуният билан Гулистон шаҳридаги 15-мактабнинг жисмоний тарбия фани ўқитувчиси «Дўстлик» ордени соҳибаси Решиде Аблаева.

Ховос, Сирдарё, Оқолтин, Сардоба туманлари, Янгиер ва Ширин шаҳарларидаги мактаб ўқувчи-қизларига ҳам спорт кийимлари улашилди. Бундай тантанали маросимлар 8 мартга қадар вилоятимиз шаҳар ва қишлоқларида давом этиб, сирдарёлик 4555 нафар спортчи қизларга спорт кийимлари тарқатилиши режалаштирилган.

**Бойжигит АБДУЛЛАЕВ**

(Давоми 15-бетда.)






**Андижон туманидаги 7-махсус мусиқа мактаб-интернатининг 8-синф ўқувчиси Искандар Собиржонов халқ чолғулари ижрочилиги номинацияси бўйича МДҲ мамлакатлари ёшлари ўртасида ўтказилган “Окно в Европу” VII халқаро фестивалида биринчи ўринни эгаллади.**

У энди Германия ва Францияда келгуси йили ўтказиладиган халқаро мусиқа анжуманида иштирок этади.

И.Собиржонов фестивалда миллий куйларни, жаҳон классик мусиқаларидан намуналарни маҳорат билан ижро этди. Ёш мусиқачининг ижро маҳорати халқаро танлов ҳакамлари томонидан юқори баҳоланди. Бу ўзбек ёшларининг ҳеч кимдан кам эмаслигидан, улар юксак билим ва иқтидор эгалари бўлиб камол топаётганидан далолатдир.

— Мақсадим Германия ва Францияда ўтадиган нуфузли танловда ҳам ғолиблар қаторидан жой олишдир, — дейди Искандар Собиржонов. — Бунинг учун устозларим кўмагида танловга жиддий тайёргарлик кўряпман. Зеро, Юртбошимиз раҳнамолигида биз, ёшларнинг ўз иқтидоримизни намоён этишимиз учун барча шароитлар яратилган.

***

**Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳузуридаги “Маънавият ва маърифат” марказида “Аёл билан олам мунаввар” мавзуида адабий-мусиқий тадбир ўтказилди.**

Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал-демократик партияси билан ҳамкорликда ташкиллаштирилган тадбирда илғор ўқитувчилар, маънавият тарғиботчилари, талаба-ёшлар иштирок этди.

Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси томонидан мамлакатимиздаги таълим масканларида ташкил этилган “Ораста қизлар” тўгараклари қизларнинг саломатлигини мустаҳкамлаш, оила, жамият, Ватан олдидаги масъулиятини кучайтириш, ҳуқуқий билимини юксалтириш, уларга ижтимоий-иқтисодий, маънавий-маърифий жабҳалардаги кенг кўламли ислоҳотлар аҳамиятини тушунтиришда муҳим аҳамият касб этмоқда.

— Коллежимизда чеварлик, заргарлик, бадиий либослар, наққошлик, ёғоч ўймакорлиги сингари йўналишларда мутахассислар тайёрланади, — дейди Тошкент қурилиш ва миллий ҳунармандлик касб-ҳунар коллежи ўқитувчиси Дилфуза Ёрмуҳамедова. — “Ораста қизлар” тўгарагининг ташкил этилгани бу ишларни янада такомиллаштиришга хизмат қилмоқда. Коллеждаги сузиш ҳавзаси, спорт зали, теннис майдони ёшлар ихтиёрида.

Тадбирда таниқли санъаткорлар ва ёш ижрочилар иштирокида концерт намойиш этилди.

***

**Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университетининг маданият саройида «Мустаҳкам оила — жамият таянчи» мавзуига бағишланган анжуман бўлиб ўтди.**

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг аъзолари, жамоат ташкилотлари, оммавий ахборот воситалари вакиллари, профессор-ўқитувчилар ва иқтидорли талабалар қатнашди.

Анжуман қатнашчилари ёш оилаларни қўллаб-қувватлаш, уларни ижтимоий ҳимоя қилиш оиланинг ижтимоий мослашуви ҳамда унинг мустаҳкамлигини таъминлашда маҳалланинг роли, мустаҳкам оилани шакллантиришда «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракатининг ўрни ва аҳамиятини ошириш бўйича қабул қилинаётган қонунлар ва олиб борилаётган ислоҳотларнинг мазмун-моҳиятини очиб бериш каби вазифалар ижросига бағишланган маърузаларни катта қизиқиш билан тинглади.

***

**8 март — Халқаро хотин-қизлар куни мамлакатимизда юксак савияда, кўтаринки кайфиятда байрам қилинмоқда.**

Пойтахтимизнинг Бектемир туманида «Маҳалла» хайрия жамоат фонди, туман ҳокимлиги ва «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати бўлимлари ҳамкорлигида ташкил этилган байрам дастурхонига мунис онахонлар, турли соҳаларда меҳнат қилаётган фаол аёллар, ибратли оилалар бекалари, талаба ва ўқувчи-ёшлар таклиф этилди.

Қизларни ҳаётга тайёрлаш, уларни касб-ҳунарга йўналтириб, турмуш кўникмаларини шакллантириш мақсадида 12 маҳалла фуқаролар йиғини қошида ҳунар ўргатиш марказлари фаолияти йўлга қўйилди. Ушбу марказларда ёшлар “устоз-шогирд” анъанаси асосида гилам тўқиш, зардўзлик, каштачилик ва миллий либослар тикиш сирларини ўрганмоқда.

Байрам шодиёналари Ҳамза туманида ҳам кўтаринки руҳда нишонланмоқда. Тўрт юз нафардан зиёд хотин-қиз иштирок этган байрам тадбирида оила қўрғонининг чароғбони бўлган аёлларга алоҳида эҳтиром кўрсатилиб, эсдалик совғалари топширилди.

**ЎзА ва махсус мухбирларимиз йўллаган материаллар асосида тайёрланди.**

# АЁЛ МУРАББИЙЛАР БЕЛЛАШУВИ

**Республика ихтисослаштирилган мусиқа ва санъат академик лицейи биноси. Атрофда турфа гуллар ва ленталар. Зал деворларига осилган аёллар ҳақидаги ҳикматли сўзлар, деворий газеталар диққат-эътиборни тортиб турибди. Ҳофизлар хонишида ҳаётимиз чароғбонлари бўлган аёллар, гўзаллик фасли — баҳор васфи!**

*Tadbir*

«Аёл борки, олам мунаввар!» деб номланган байрам дастури аввалида лицей директори Зулфиқор Холмирзаев мамлакатимизда аёлларга кўрсатилаётган ғамхўрлик ва эътибор ҳақида алоҳида тўхталди. У юртимизда 2012 йилнинг «Мустаҳкам оила йили» деб аталгани, бу эса ҳар бир оиланинг тинчлиги ва мустаҳкамлиги таянчи бўлган аёлларга ҳам яна бир бор эҳтиромнинг намунаси эканлигини таъкидлади.

Тадбирда устоз даражасига эришган, элу юрт олдида ўз бурчини чин дилдан адо этиб келаётган аёл мураббийлар ўзаро беллашдилар. Иштирокчилар «Аёлга таъриф» шартида ўз нотиқлик маҳоратини, ўзини тутиш маданиятини саҳнада кўрсатишга ҳаракат қилишди. Иккинчи шартда тест саволлари орқали ўқитувчиларнинг билим салоҳияти, тажрибаси синовдан ўтказилди. Учинчи шарт пазандалик маҳоратига бағишланди. Ошхонада санитария-гигиена қоидаларига риоя қилиш, маҳсулот сифатини сақлай билиш, тежамкорлик ва чаққонликка нима етсин. Тўртинчи шарт учун эркин мавзу танланди.



Қатнашчилар «Энг латофатли иштирокчи», «Ибратли устоз», «Олқишга сазовор иштирокчи», «Билимдон иштирокчи» ва бошқа номинациялар бўйича тақдирландилар.

**Дилшод КАРИМОВ,**
**“Ma'rifat” мухбири**

**Бурҳон РИЗОҚУЛОВ**
**олган сурат.**

# ИСЛОҲОТЛАРНИ ЧУҚУРЛАШТИРИШ САРИ

**Тошкент давлат аграр университетида Агро-тижорат ихтисослигидаги касб-ҳунар коллежлари раҳбарлари учун «Аграр соҳада иқтисодий ислоҳотларни янада чуқурлаштириш — ишлаб чиқаришни модернизациялашнинг устувор йўналишлари” мавзусида бир ҳафталик ўқув семинари ташкил этилди. Унда мазкур йўналишда таълим сифатини янада ошириш, назарий ва амалий машғулотларни ўзаро уйғунлаштириш ва шу орқали малакали кичик кадрларни тайёрлаш, шу билан бирга касб-ҳунар коллежлари битирувчиларини иш билан таъминлаш масалаларига алоҳида эътибор қаратилди.**

*O'quv seminar*

Мамлакатимизда бу соҳага ихтисослаштирилган 198та касб-ҳунар коллежи мавжуд бўлиб, битирувчиларни иш билан таъминлаш масаласи долзарбдир. Бунда уч томонлама: таълим муассасаси, иш берувчи корхона ва ташкилот ҳамда ўқувчи ўртасида тузиладиган шартноманинг аҳамияти катта. Анжуманда айни шу жиҳатлар хусусида ҳам атрофлича фикр юритилди.

Шунингдек, мутахассислар давлатимиз томонидан ёрдамчи ўқув-хўжалик учун ажратилган ердан унумли фойдаланиш ҳамда ўқувчиларни амалий жараёнга қизиқтириш борасида зарурий кўрсатмалар беришди. Бундан ташқари, республика ва хорижий давлатлар ҳамкорлигида амалга оширилаётган лойиҳалар асосида ўрнатилган ўқув-лаборатория жиҳозларидан фойдаланиш ҳамда уларни хомашё билан таъминлаш мақсадида давлат бюджетидан 6 млрд. сўм маблағ ажратилгани соҳани ривожлантиришнинг устуворлигини кўрсатади.

Анжуманда Президентимизнинг “Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида” китобининг мазмун-моҳияти ҳақида ҳам фикрлар билдирилди ҳамда “Мустақиллик арафасида ёхуд шўроларнинг сўнгги талвасаси” видеофильми намойиш этилди.

**Олим ЖУМАБОЕВ,**
**“Ma'rifat” мухбири**

# АЁЛ — ҲАЁТ ШАМЧИРОҒИ

*Tadbir*

Тошкент молия институти қошидаги Молия академик лицейида Мустаҳкам оила йили ҳамда 8 март — Хотин-қизлар куни муносабати билан «Аёл — ҳаёт шамчироғи» деб номланган тадбир ташкил этилди. Унда оила чароғбони, гўзаллик тимсоли, фарзандлар тарбиячиси, хонадон файзи бўлган Оналар ҳақида сўз борди. Бугун она деган қутлуғ каломнинг нечоғли улуғ ва қадрли сўз эканлигини ҳар бир ўғил-қиз болалигидан англаб етмоғи даркорлиги хусусида гапирилди. Бунинг учун ёшлар ўқиб-ўрганиб, кучли билим олиб ўз амалий ҳаракатлари билан жавоб қайтармоғи шартлиги уқтирилди.

Тадбирда шунингдек, аёлларни улуғловчи куй-қўшиқлар янграtimes. Бундай тадбир ёшларни оилага тайёрлаш, улар қалбида ватанпарварлик ҳиссини янада кучайтириш каби вазифаларни бажаришга хизмат қилиши таъкидлаб ўтилди.

* * *

**Таълим, фан ва маданият ходимлари касаба уюшмаси Тошкент шаҳар кенгаши томонидан республика хотин-қизларининг жамиятдаги мавқеини ошириш, уларни ижтимоий-иқтисодий қўллаб-қувватлаш, ҳуқуқий манфаатларини ҳимоя қилишга қаратилган қатор ишлар амалга ошириб келинмоқда.**

Бугунги кунда Кенгаш тасаррufидаги 987та ташкилотнинг 204640 нафар аъзосининг 106256 нафарини аёллар ташкил этади. Кенгаш томонидан маънавий-маърифий тадбирлар уюштирилиб, хотин-қизларнинг жамиятдаги фаоллигини таъминлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Куни кеча Алишер Навоий номидаги кино саройида 8 март — Халқаро хотин-қизлар куни муносабати билан тадбир ташкил этилди. Тадбирда Кенгашнинг бошланғич ташкилотларида фаол меҳнат қилаётган хотин-қизларга совғалар улашилди. Тадбир якунида “Тилла бува” фильми намойиши ва ижодкорлар билан учрашув ташкил этилди.

**МУХБИРИМИЗ**

*Hay’at yig‘ilishi*

**Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлигининг навбатдан ташқари Ҳайъат йиғилиши бўлиб ўтди. Унда Ўзбекистон Республикаси Бош вазири ўринбосари, Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси раиси Э.Боситхонова, шунингдек, Ички ишлар вазирлиги вояга етмаган ёшлар билан ишлаш бўлими, “Камолот” ЁИҲ Марказий Кенгаши ҳамда ҳудудий бўлимлари раислари, Республика Маънавият тарғибот маркази, “Маҳалла” хайрия жамғармаси, Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими маркази раҳбар ва ходимлари иштирок этди. Кун тартибидаги асосий масала Халқ таълими вазирлиги ҳамда жамоат ташкилотлари ҳамкорлигида фарзандларимизни баркамол вояга етказиш йўлида амалга оширилаётган ишларнинг самарадорлигини оширишга қаратилди. Таъкидлаш жоизки, ёшлар ўртасида миллий ғоя ва соғлом турмуш тарзини кенг тарғиб этиш, уларни Ватанга муҳаббат руҳида тарбиялаш, “маънавий таҳдид”, “оммавий маданият” ва бошқа турдаги ёт ғояларнинг зарарли таъсирларидан ҳимоя қилишда ҳамкорликда олиб бориладиган ишларнинг аҳамияти муҳим. Зеро, ёш авлод тарбияси кенг жамоатчилик ҳамкорлигини ва изчиллик ҳамда доимий эътиборни талаб қиладиган долзарб масаладир. Ёшларнинг замон талабларига мос билим олиши, касб-ҳунар танлаши, қобилияти ва иқтидорини эркин намоён қилишга йўналтирилган ишларни янада кучайтириш, шу асосда тегишли меъёрий ҳужжатларни тасдиқлаш ҳамда ижросини таъминлаш ҳам бугунги муҳим вазифалардан биридир.**

# ТАЪЛИМ-ТАРБИЯДА ҲАМКОРЛИК

Кун тартибидаги биринчи масала бўйича тегишли маърузалар тинглангач, муҳокамалар асосида Халқ таълими вазирлиги ҳамда манфаатдор вазирлик ва идоралар ҳамкорлигида “Ўқувчи-қизлар ўртасида олиб борилаётган маънавий-ахлоқий тарбия ишларини такомиллаштириш тўғрисида”ги, “Ўзбекистон “Камолот” ёшлар ижтимоий ҳаракатининг умумий ўрта таълим мактабларидаги бошланғич ташкилотлари фаолиятини янада такомиллаштириш тўғрисида”ги ҳамда “2012—2015 йилларда умумтаълим мактаб ўқувчилари ўртасида ҳуқуқий саводхонликни ошириш, ҳуқуқбузарликнинг олдини олиш, бу борада ўзаро ахборот алмашиш тизимини такомиллаштириш тўғрисида”ги қўшма қарорлари тасдиқланди.

Халқ таълими вазирлиги, “Маҳалла” хайрия жамғармаси, Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими маркази ҳамда манфаатдор вазирлик ва идоралар ҳамкорлигида “Баркамол авлодни тарбиялашда оила, маҳалла ва таълим муассасалари ҳамкорлиги концепцияси” лойиҳаси ҳам муҳокама этилди.

Шу ўринда алоҳида қайд этиш лозимки, Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги, Хотин-қизлар қўмитаси, Ички ишлар вазирлиги, “Камолот” ЁИҲ Марказий Кенгаши, “Маҳалла” хайрия жамғармаси Республика бошқаруви, Республика Маънавият-тарғибот маркази ва Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими маркази ҳудудий бўлинмаларига Ҳайъат кенгашида белгиланган вазифаларга мувофиқ ҳудудлардаги ҳамкорлик йиғилишларини ташкил этиш, ҳамкор вазирлик ва идоралар билан имзоланган қўшма қарорларнинг жойлардаги ижросини қатъий назоратга олиш ва мунтазам ўрганиб бориш вазифалари юклатилди.

Кун тартибида кўрилган муҳим масалалардан яна бири “Мустаҳкам оила йили” Давлат дастури доирасида халқ таълими тизимида амалга оширилиши лозим бўлган вазифалар ижросига бағишланди.

Жамиятимизнинг асоси бўлмиш оила институтини янада мустаҳкамлаш ва ривожлантириш, оилаларни, айниқса, ёш оилаларнинг ҳуқуқий ва ижтимоий-иқтисодий манфаатларини ҳимоя қилиш ҳамда қўллаб-қувватлашни кучайтириш борасида олиб борилаётган барча ишларни сифат жиҳатидан янги босқичга кўтариш, бу ўринда маҳаллаларнинг ролини кучайтиришга доир аниқ мақсадга йўналтирилган кенг кўламли чора-тадбирлар комплексини амалга ошириш мақсадида 2012 йил 27 февралда Ўзбекистон Республикаси Президентининг ПҚ-1717-сонли “Мустаҳкам оила йили” Давлат дастури тўғрисида”ги қарори қабул қилинди.

Мазкур қарорда “Оила соғлом экан – жамият мустаҳкам, жамият мустаҳкам экан — мамлакат барқарор” деган инсонпарвар тамойилдан келиб чиққан ҳолда “Мустаҳкам оила йили” Давлат дастурини амалга оширишнинг энг муҳим йўналишлари белгиланди.

Шунга кўра Халқ таълими вазирлиги томонидан белгиланган топшириқларни тўлақонли бажариш ҳамда давлат томонидан оилаларни қўллаб-қувватлаш, ривожлантириш ҳамда мустаҳкамлашга хизмат қилувчи чора-тадбирлар ҳақида барча таълим муассасалари педагогик жамоалари иштирокида давра суҳбатлари, ўқувчилар ўртасида ўтказиладиган тарбиявий соатларда тушунтириш ишларини ташкил этиш бўйича тегишли қарорлар қабул қилинди.

Бундан ташқари, йиғилишда умумтаълим фанлари бўйича ўқувчилар ўртасида ўтказилаётган Билимлар беллашувининг мактаб ва туман босқичининг якунлари ҳамда вилоят босқичини ташкил этишдаги вазифалар тўғрисида, таълим муассасаларида маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш хусусида, халқ таълими тизимидаги мавжуд спорт объектларидан самарали фойдаланиш, уларнинг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш ҳамда унда банд бўлган ўқитувчи-мураббийлар меҳнатини рағбатлантириш ҳолати тўғрисидаги масалалар муҳокама этилди. Кўрилган масалалар юзасидан ҳайъат йиғилиши қарорлари қабул қилинди.

**Жаҳонгир МУСАЕВ,**
**Халқ таълими вазирлиги**
**Ахборот хизмати бошлиғи**

# НАЗАРИЯ ВА АМАЛИЁТ УЙҒУНЛИГИ

## *малакали журналистлар тайёрлаш сифатини юксалтиради*

*Matbuot anjumani*

Кеча Миллий матбуот марказида «Журналистика соҳасида кадрлар тайёрлаш ва қайта тайёрлаш борасидаги устувор вазифалар, тажриба-амалиёт» мавзусида матбуот анжумани бўлиб ўтди. Ўзбекистон журналистлари ижодий уюшмаси, Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети ва Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети ҳамкорлигида ташкил этилган анжуманда Журналистлар ижодий уюшмаси раиси Ш.Ғуломов, Ўзбекистон Миллий университети ректори Ғ.Муҳамедов, Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети ректори А.Исмоилов ва бошқалар мамлакатимизда Президентимиз раҳнамолигида журналистика соҳасида кадрлар тайёрлаш борасида амалга оширилаётган ишлар, таҳририятлар ва журналист кадрлар тайёрловчи ўқув юртлари ўртасидаги алоқаларни ривожлантириш истиқболлари, журналистларнинг ихтисослашуви борасидаги саъй-ҳаракатлар тўғрисида атрофлича фикр юритишди.

Тадбирда таъкидланганидек, мамлакатимизда амалга оширилаётган демократик янгиланишлар ҳақида республика аҳолисини, жаҳон ҳамжамиятини ўз вақтида хабардор қилиш, шунингдек, дунё ахборот майдони глобаллашуви кучаётган шароитда содир бўлаётган воқеаларга тез ва холис муносабат билдира олишга қодир бўлган юқори малакали кадрлар тайёрлаш ва қайта тайёрлаш борасида кенг қамровли ишлар олиб борилаётир. Бунда қатор ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатларга мувофиқ Ўзбекистон Миллий университетининг журналистика факультети фаолияти янада такомиллаштирилди. Бугунги кунда факультетда бакалавр босқичида 350га яқин, магистратурада 66 нафар йигит-қиз таҳсил олмоқда. Уларга 10дан ортиқ фан доктори ва профессорлар, 30га яқин фан номзодлари ва доцентлар, малакали мутахассислар сабоқ беряпти. Худди шунингдек, университет ҳузурида махсус икки йиллик Олий журналистика курси фаолият олиб бораётир, бу курсларга танлов асосида бошқа мутахассисликлар бўйича бакалавр даражасига эга бўлган ва журналистика соҳасида ижодий қобилиятларини намоён этаётган ёшлар қабул қилинмоқда.

Журналист кадрлар тайёрлаш бўйича яна бир нуфузли билим ўчоғи — Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети бўлиб, 1999 йили унинг таркибида халқаро журналистика факультети ташкил этилган. Мамлакатимиздаги буюк ўзгаришларни жаҳон оммасига етказувчи ва шу билан бирга дунё ҳамжамиятида юз бераётган воқеа-ҳодисалар билан халқимизни ўз вақтида таништирувчи халқаро журналистларга бўлган эҳтиёж ушбу факультетнинг очилишига сабаб бўлди. Ўтган вақт мобайнида халқаро журналистика факультетида инглиз, немис, араб, испан, хитой, япон, форс, француз, корейс, поляк тилларини пухта биладиган, замонавий фанлар малакасини тўла эгаллаган юзлаб мутахассислар етишиб чиқди.

Шунингдек, матбуот анжуманида журналист кадрларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тизимини такомиллаштиришда айрим камчиликлар ва муаммолар мавжудлиги, уларни бартараф этиш бугунги куннинг долзарб масалаларидан эканлиги қайд этилди. Ўқув юртлари моддий-техник базасини ва таълим жараёнини замонавий ахборот-коммуникация технологиялари билан бойитиш, талабаларнинг амалий билим-кўникмаларини шакллантириш, ўқув юртлари билан таҳририятлар ўртасида алоқаларни мустаҳкамлаш, устоз-шогирд анъаналарини ривожлантириш масалаларига катта эътибор қаратилди.

Матбуот анжумани якунида ОАВ вакиллари, ёш журналистларни қизиқтирган саволларга атрофлича жавоб қайтарилди.

**Қ.МАТҚУРБОНОВ**

**Гўзалликни аёл яратади, деган гап бор. У меҳрибон она, мушфиқ сингил, вафодор рафиқа бўлиши билан бирга жамият тараққиётида ўзининг муносиб ўрнига эга етук мутахассис, ташкилотчи раҳбар сифатида ҳам ўзини намоён этаётгани кишини қувонтиради. Мамлакатимизда аёллар доимо эътибор ва эъзоз топиб келмоқда. Улар оилада ҳам, ишда ҳам бирдек қадр топган.**

# ИНТИЛГАНГА ТОЛЕ ЁР

*Izhor*



Юртимизда аёлларга кўрсатилаётган бундай эътиборни Зулфия номидаги давлат мукофоти, «Йил аёли» кўрик-танловининг ўтказилишида ҳам кўриш мумкин. Мен ҳам 2011 йили «Йил аёли» кўрик-танловида иштирок этиб, ғолиб бўлдим. Бу муваффақиятда, шубҳасиз, мен ишлаётган Шуманай туманидаги 5-умумтаълим мактаби жамоасининг ҳиссаси катта бўлди, деб биламан. Сабаби, қайси соҳа бўлмасин, жамоанинг қўллаб-қувватлаши натижасидагина бирор натижага эришиш мумкин. Бугунги кунда мактабимизда 55 нафар ўқитувчи аҳил жамоа бўлиб, ёш авлодга таълим-тарбия бериб келмоқда.

Мактабимиз жамоасининг кўпчилигини аёллар ташкил этади. Улар ҳам юртимиздаги барча ўқитувчилар қатори ҳар тарафлама моддий-маънавий рағбатлантирилиб келинмоқда. Ўқитувчиларимиз, хусусан, аёл муаллималаримизнинг меҳнатлари муносиб қадрланиб, улар давлатимизнинг нуфузли мукофотлари билан тақдирланаётгани ҳам юқоридаги фикрларимизнинг яққол исботидир. Бу эътибор эса, бизни янада куч-ғайрат билан ишлашга, эҳтиромга муносиб бўлишга ундайди, зиммамизга алоҳида масъулият юклайди, албатта.

Шуни қувонч билан таъкидлашни истардимки, бугун аёлларимиз орасида яратилган шароит ва имкониятлардан самарали фойдаланиб, мамлакатимиз тараққиётига муносиб ҳисса қўшаётганлар кўплаб топилади. Бунда шахсан Юртбошимизнинг биз — аёлларга кўрсатаётган беқиёс эътибор ва ғамхўрликлари муҳим ўрин тутади. 2012 йил мамлакатимизда «Мустаҳкам оила йили» деб эълон қилинди. Албатта, бунда ҳам аёлларни асраб-авайлаш, уларнинг саломатлигини муҳофаза қилиш, ижтимоий ҳаётда тутган ўрнини янада юксалтириш каби улуғвор мақсадлар мужассам. Мана шундай юртнинг аёли эканингдан фахрланмай бўладими? Бу йилги байрам шодиёналари арафасида қалбимдан кечган дастлабки ўй мана шу эди.

Шу ўринда юртимиз хотин-қизларини баҳорнинг дастлабки байрами бўлган 8 Март — Халқаро хотин-қизлар куни билан муборакбод этиб, соғлик, оилаларига тинчлик, ишларига ривож тилайман.

**Тамара ҚАЛЛИҚЛИЧЕВА,**
**Шуманай туманидаги**
**5-мактаб директори,**
**«Йил аёли-2011» кўрик-танлови ғолиби**

# «ЎЗБЕККИНО» ТАҚДИМ ЭТАДИ

Konferensiya

«Ўзбеккино» миллий агентлиги томонидан «Ўзбек киноси: муаммо ва истиқболлар» мавзусида ижодий конференция бўлиб ўтди. 2011 йилда яратилган фильмлар муҳокамасига бағишланган кечада республика Маънавият тарғибот маркази киностудия раҳбарлари, кино арбоблари, Тошкент давлат санъат институти талабалари ҳамда оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этди.

20 февраль — 3 март кунлари конференция доирасида 22та бадиий ва ҳужжатли фильмлар намойиши ўтказилган эди. Айнан шу фильмлар юзасидан ўтказилган илмий таҳлил ва социологик сўровномалар натижасида «Мустақиллик арафасида» ёхуд шўроларнинг сўнгги талвасаси», «Нафосат», «Уймакор уста», «Сўнгги чизиқ», «Ўзбек фотографияси тарихи» ҳамда «Орол яшаши лозим» фильмлари энг сара ҳужжатли фильмлар деб тан олинган. «Мустақиллик арафасида» бадиий-публицистик ҳужжатли фильми барча телеканаллар орқали намойиш қилиниб, томошабинлар эътирофига сазовор бўлди. Республикамизнинг мактаб, лицей, коллеж ва олий ўқув юртларидаги мустақиллик дарслари айнан шу фильм намойиши билан бошланган.

2011 йил кино соҳасида сермаҳсул давр бўлди. Мустақиллигимизнинг 20 йиллиги муносабати билан «Алданган аёл», «Умид», «Ҳақиқат куни», «Қўрғошин» «Ёзсиз йил», икки қисмли «Эшжон бахши», «Афғон», «Учар от», «Муқаддас бурч» (Сардор-3), «Жасур» ҳамда «Бахт уйи» номли бадиий кино-видеофильмлар кенг жамоатчилик томонидан илиқ кутиб олинди.

«Олтин гепард» биринчи Тошкент халқаро кинофорумида Зулфиқор Мусоқовнинг «Қўрғошин» бадиий фильми «Энг яхши тўлиқ метражли фильм», киноактёр Нозим Тўлахўжаев «Энг яхши эркак роли» йўналишлари бўйича ғолиб деб топилди. «Кечиккан ҳаёт», «Илова», «Қарздор» каби фильмлар халқаро Гент, Токио, Пусан кинофестивалларида иштирок этди. Яқин даврда суратга олинган режиссёр Акбар Бектурдиевнинг «Бахт уйи» асари январь ойида мухлислар эътиборига ҳавола қилинган бўлиб, «Мустаҳкам оила йили»га ўзига хос ҳадя бўлди.

«Ўзбеккино» миллий агентлиги, Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, «Ўзбекнаво» эстрада бирлашмаси ҳамда Тошкент шаҳар ҳокимлиги ҳамкорлигида Конституциямизнинг 19 йиллиги муносабати билан «Истиқлол умидлари» учинчи ёшлар фестивали ўтказилиб, Меҳрибонлик уйлари тарбияланувчилари, профилактик ҳисобга олинган болалар, нотинч оила фарзандлари ўртасида давра суҳбатлари ўтказилди. «Учар от» эртак фильми 2000дан ортиқ Меҳрибонлик уйлари тарбияланувчилари, мактаб-интернат ўқувчилари, кам таъминланган оилалар фарзандларига намойиш қилинди.

**Моҳичеҳра ЛАТИПОВА,**
**«Ma'rifat» мухбири**

**Тошкент автомобиль ва йўллар институтида «Таълим ва мутахассислик» номли меҳнат ярмаркаси бўлиб ўтди. Битирувчиларни ишлаб чиқариш корхоналари билан таништириш, меҳнат бозоридаги талаб ва таклифни ўрганиш, иш ўринлари билан таъминлаш мақсадида ташкил этилган тадбирда институт жамоаси, ишлаб чиқариш корхоналари раҳбарлари битирувчилар ва уларнинг ота-оналари иштирок этди. Ярмарка аввалида иш берувчи томон вакиллари сўзга чиқиб, уюшма ва корхоналар фаолияти тўғрисида маълумотлар беришди. Йиғилишда сўзга чиққан «Тошшаҳартрансхизмат» уюшмаси раиси ўринбосари Зайниддин Аброров соҳа ривожида фақатгина кучли, рақобатбардош кадрларгагина таяниш мумкинлигини таъкидлар экан, бугун уюшма таркибига кирувчи автобус саройларидаги мавжуд бўш иш ўринлари хусусида маълумот берди.**

# АВТОЙЎЛ МУТАХАССИСИ

## унга меҳнат бозорида талаб катта

Тадбир жараёнида «Ўзавтойўл» давлат акционерлик компанияси, «Тошшаҳарйўлтранс» уюшмаси, Ангрен логистика маркази, Mersedes Benz сервис хизмат кўрсатиш маркази шўъба корхонаси, «Ўзйўлмашсервис» илмий ишлаб чиқариш тажриба корхонаси, «Автомагистрал» ихтисослашган йўлларни қуриш ва таъмирлаш бирлашмаси каби кўплаб корхоналар тақдим этган вакант ўринлар билан танишган ёшлар эгаллаётган мутахассисликлари бўйича иш ўринларини танлашди, вакилларга ўзларини қизиқтирган саволларни беришди.

— Олий таълим муассасасида устозларимиз берган билим, амалий машғулотлар ва амалиёт жараёнларида олган кўникма ва малакамизни ҳаётга татбиқ этиш арафасида турибмиз, — дейди Автомеханика факультети битирувчиси Юсуфхон Умаров. — Бугун мавжуд бўш иш ўринлари билан танишарканман, танлаган соҳамдан фахрланиш ҳиссини туйдим, жамиятда ўз ўрнимга эгалигимни сездим. «Технолог» очиқ акциядорлик жамиятида йиғиш цехи муҳандиси, шунингдек, «Sam Auto» автомобиль заводидаги иш ўринлари менда катта қизиқиш уйғотди ва келажакда мана шу корхоналардан бирида фаолият олиб боришни ният қилаяпман.

**Санобар ЖУМАНОВА,**
**«Ma'rifat» мухбири**

# ЭКОЛОГИЯ ВА ЁШЛАР

Tadbir

Нукусда Ўзбекистон экологик ҳаракати Қорақалпоғистон ҳудудий бўлинмаси ва Нукус давлат педагогика институти ҳамкорлигида «Қорақалпоғистон Республикасида экологик муаммоларни ҳал этишда ёшларнинг ўрни» мавзусида давра суҳбати ташкил этилди.

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатлари, Ўзбекистон экологик ҳаракати Қорақалпоғистон ҳудудий бўлинмаси фаоллари, Фуқаролик жамияти шаклланишини мониторинг қилиш мустақил институти, «Камолот» ЁИҲ Қорақалпоғистон ҳудудий бўлинмаси, экология, тиббиёт соҳасидаги нодавлат нотижорат ташкилотлари, институт профессор-ўқитувчилари ҳамда оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этдилар.

Дунёда глобал, молиявий иқтисодий инқироз давом этаётган бугунги кунда мамлакатимизда ёш авлодни ҳар томонлама етук, баркамол қилиб тарбиялашга катта эътибор қаратилаётгани, жаҳон жамоатчилиги томонидан кенг эътироф этилмоқда. «Соғлом муҳит — инсон саломатлиги» шиори остида ўтган давра суҳбатида сўзга чиққанлар ёшлар онгида табиатга, она-Ватанга, унинг табиий бойликларига бўлган эътибор, муҳаббат ва эҳтиромни янада юксалтириш зарурлигини алоҳида қайд этдилар.

**Айсулу ДИЛЬМАНОВА,**
**Айгул ЕСКАЛИЕВА,**
**Ажиниёз номидаги НДПИ талабалари**

# ФАРЗАНДЛАРИМИЗ ХАВФСИЗЛИГИ ЎЗ ҚЎЛИМИЗДА

Tadbir

Боланинг асосий вақти уйда ўтар экан, ёлғиз қолганида турли ҳодисаларга дуч келиши мумкин. Болалар бундай пайтда қандай йўл тутмоғи керак? Республика тезкор ҳаракат хизмати томонидан, Болалар ҳаёти хавфсизлиги маданияти куни муносабати билан «Ҳаёт хавфсизлиги — ҳар бир оилада» деб номланган лойиҳа ишлаб чиқилиб, Республика ёш томошабинлар театрида бир қатор мутасадди ташкилотлар ҳамкорлигида кўргазма ташкил қилинди.

Фавқулодда вазиятлар вазирлиги, Ёнғин хавфсизлиги бошқармаси, Йўл ҳаракати хавфсизлиги бошқармаси ходимлари болаларга кўнгилсиз воқеаларнинг олдини олиш ва бундай вазиятда қандай йўл тутиш хусусида кўрсатма беришди.

Театр ижодий жамоаси «Ғаройиб ҳодисалар» спектаклини болаларга намойиш этди. Зилзила, ёнғин, билмасдан дори-дармонларни ичиб қўйиш, уйда ҳеч ким бўлмаганда бегона кимсаларнинг ташрифига жавоб бериш каби воқеалар саҳна кўриниши тарзида намойиш этилди.

**Феруза ХОЛМУРОДОВА,**
**«Ma'rifat» мухбири**

# СОЛИҚЧИЛАР ДАРС ЎТАДИ...

Tajriba

Давлат солиқ қўмитасининг ташаббуси билан республикамиз умумтаълим, ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасалари ва олий ўқув юртлари ўқувчи-талабаларининг солиқлар ҳақидаги билимларини ошириш ва тасаввурларини бойитиш мақсадида бир қатор тадбирлар ўтказиб келинмоқда.

Пешку туман давлат солиқ инспекцияси томонидан умумтаълим мактабларида солиқ соҳасига доир қатор кўрик-танлов ҳамда очиқ дарслар ташкил этиляпти.

Тумандаги барча мактабларда туман давлат солиқ инспекциясининг малакали ходимлари иштирокида «Солиқлар нима учун тўланади ва нималарга сарфланади?» деб номланган «Очиқ дарслар»нинг ўтказилиши нафақат ўқувчи-ёшларнинг солиқ соҳасидаги тасаввур ва қизиқишларини оширяпти. Улар орасидан келажакда шу касб эгаси бўлишни ният қилаётганлар сони ҳам кўпаймоқда.

Инспекция ходимлари солиқ қонунчилигига оид янгиликлар, меъёрий ҳужжатлар ва уларнинг хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятида тутган ўрни, солиқлар давлатимиз иқтисодиётининг муҳим бўғини эканлиги, аҳолининг турмуш фаровонлигини яхшилашда тўловнинг ушбу тури муҳим роль ўйнаши хусусида ахборот беришмоқда.

**Шавкат БОМУРОДОВ,**
**Пешку туман давлат солиқ инспекцияси бошлиғи,**
**Зулфия ХАЛИЛОВА,**
**ахборот хизмати ходими**



Нодира Тошпўлатова Жиззах шаҳридаги 7-умумтаълим мактабида психолог бўлиб ишлайди.

Ўқувчиларни баркамол этиб тарбиялаш, мустақил фикрлаш, кучли билим ва салоҳият сари ундашда унинг ҳиссаси катта. Айниқса, мактаб битирувчиларини касб-ҳунарга йўналтириш доирасида ўқувчилар ўртасида ўтказилаётган турли тадбирлар — мутахассислар иштирокидаги учрашувлар, тушунтириш ишлари ёшларда ҳар доим катта қизиқиш уйғотади.

— Жорий йилда мактабимизда юздан зиёд ўғил-қиз таълимнинг кейинги босқичига йўлланма олади, — дейди Н.Тошпўлатова. — Уларнинг барчаси ўз қизиқишига кўра касб-ҳунар коллежлари ва академик лицейларда таълимни давом эттириб, яхши мутахассис бўлиб шаклланишига ишонамиз.

**Суратда: Нодира Тошпўлатова 9-синф ўқувчилари билан.**

**Умар РАҲМОНҚУЛОВ (ЎзА) олган сурат.**

# БОЛА ҚАЛБИГА ҚУЛОҚ ТУТИНГ



**Оила мустақил ижтимоий институт сифатида истиқлол давригача кўп қиррали ва мураккаб йўлни босиб ўтди. Ҳар бир тарихий даврда оила аъзоларининг ўзаро муносабатлари тарихнинг чигалли синовларидан омон ўтиб, жамиятнинг негизи сифатида ўз хусусиятини сақлаб қолди.**

Истиқлол шарофати билан маънавий тикланиш жараёни дадил кечаётган мамлакатимизда оила институти ижтимоий ҳаётда тобора мустаҳкам ўрин эгаллаб бормоқда. Юртбошимиз «Юксак маънавият — енгилмас куч» асарида: «Ҳар қайси миллатнинг ўзига хос маънавиятини шакллантириш ва юксалтиришда ҳеч шубҳасиз, оиланинг ўрни ва таъсири беқиёсдир. Чунки, инсоннинг энг соф ва покиза туйғулари, илк ҳаётий тушунча ва тасаввурлари биринчи галда оила бағрида шаклланади», дея таъкидлаб ўтганлар. Оила масалаларини илмий-амалий ўрганишда миллий қадриятларимизга катта эътибор беріляпти.

Оилага садоқат, ота-онага оқибат, ака-укаларга меҳр, ўсиб келаётган ёш авлод онги, шуури, маънавиятида Ватан туйғусини мустаҳкам қарор топтириш қадриятлар ёрдамида шаклланади. Оила аъзолари ўртасида ўзаро ҳурмат, меҳр-мурувват ва оқибат омиллари соғлом муҳитни яратади. Зеро, соғлом тарбия оила аъзолари ўртасида якдиллик, мақсадлар бирлигини юзага келтиради. Акс ҳолда, эса ичдан емирилиш, маънавий инқироз ҳолатлари юз беради, бу эса ҳар қандай ташқи зиёнлардан кўра талафотлироқдир.

Болалар тарбияси борасида катталар учун муҳим бўлган, лекин кундалик турмуш ташвишларимизда эътибордан четда қоладиган уч қиёсий жиҳат: **болаларга меҳр бериш, хонадон учун китоб танлаш ва болалар иштиёқига мойиллик билдириш** алоҳида аҳамиятга эга. Оилада ота-онанинг фарзандлар билан қанча кўп вақт бирга бўлиши, ўзаро мулоқот, ўргатилган билим ва касб-кор меҳр туйғусининг шунчалик мустаҳкамланишига олиб келади. Ҳаётни эндигина англаётган ўсмирда атроф-муҳит, юз бераётган ўзгаришларга оид ўнлаб саволлар, жумбоқли ҳолатлар юзага келади. Ўсмир бундай саволларни вақт камлиги сабабли ота-онасига бера олмаганлиги ва жўяли жавобга эга бўлмаганлигидан жумбоқларнинг ечимини тасодифий шахслардан, аксарият ҳолларда ўз тенгдошларидан излашга мажбур бўлади. Натижада, кичик ёшдаги болалар, ўсмирлар ҳар томонлама тўғри, жамият ва шахс учун ижтимоий фойдали хулосага эга бўлмайди. Бунинг оқибатида эса, ёшлар тарбияси муайян издан чиқиб, умумий ахлоқ, миллий анъаналар руҳига зид бўлган ҳолатлар юзага келиши мумкин.

Дарҳақиқат, оила муҳитида ота-оналарнинг фарзанд тақдири учун фавқулодда масъуллиги кўпгина мамлакатларда муҳим масала сифатида қаралади. Хусусан, Японияда ўтказилган тадқиқотларга кўра, ўзаро таниш аёлларнинг бир-бирлари билан учрашиб, ўтказадиган суҳбат, мулоқотлари мажмуида ўттиз фоиз вақт ўз фарзандларининг ўқиш ва ишларидаги аҳволи, йигирма фоизи шахсий такомиллашув, яъни ўзлаштирган касб-корлари, ўқиган китоблари, кўрган фильмлари ҳақида ва фақат йигирма фоиз вақтни таниш-билишларнинг маиший ҳолати, кайфиятлари, соғлиги, турмуш ўртоғининг муаммолари масалалари билан қизиқиш банд этар экан.

***2012-yil — Mustahkam oila yili***

Оилада фарзандга китоб ўқиш, муҳокама қилиш, қандай ўқиш кераклигини маслаҳат бериш ва ота-оналарнинг китоб танлаш маҳорати алоҳида аҳамиятга эга. Зеро, китоб мутолаа қилиб, ҳаёт гўзаллиги билан ошно бўлиш, маданий бойликдан ҳузур қилиш, ўз-ўзини юқори кўтаришга эришиш мумкин. Эндигина китоб дунёсига қадам қўяётган болаларнинг қўлига савияси паст, зерикарли китоб тушиб қолса, китобга меҳри уйғонмасданоқ қизиқиши сўниб қолади. Уй кутубхонаси қимматли китоблар сони билан эмас, балки уларнинг илмий ва бадиий қиммати, оила аъзоларининг қизиқишларини қониқтириши билан белгиланади.

Инсоният тарихидаги ҳозирги кашфиётлардан бири — бу компьютер ва интернет бўлса, ажаб эмас. Болаларни компьютердан «ажратиб олиш» муаммоси кўпгина мамлакатларда кун тартибидаги масалага айланган. Масалан, Буюк Британия мактабларида жорий йилдан ўқув дастурига янги фан киритилди. Бу «Бахт» дарсидир. Ушбу фаннинг асосий вазифаси болаларни ўзига ишониш, ташқи дунё мураккабликларига бардош беришга ва тушкунликка тушмасликка ўргатишдир.

Компьютерга биринчи навбатдаги кўнгилочар восита, деб қараладиган бўлиб қолди. Айниқса, болалар компьютерга кўзи тушган заҳоти дарров «ўйинлари борми?» деб сўрашади. Чунки, компьютер ўйинлари жуда мураккаблашиб, болалар учун ниҳоятда қизиқарли бўлиб кетган. Фарзандларимиз у ердаги ўйинларни ғоятда чаққонлик, усталик билан ўйнашини кўриб, қойил қоламиз. Бироқ, ўйинни зўр ўйнаган бола компьютерда ишлашни ҳам яхши билади, дегани эмас. Биз ота-оналар фарзандларимизнинг қизиқишларини ўз мақсадларимизга "бўйсундиришимиз" лозим. Масалан, дўконларимизда таълимий-мультимедиали воситалар ҳам оз эмас. Жумладан, турли ёшдаги болалар учун мўлжалланган "Инглиз тилини мустақил ўрганиш" мульти-тренерлари, "Алифбо" ва "Алжабр" тренажёрлари, муайян синфлар учун фанлар бўйича электрон дарсликлар, фикрлашни ривожлантирувчи ва боланинг ижодий қобилиятини ўстирувчи ўйинлар билан ишлашга ундаш ўз самарасини беради.

Ота-оналарнинг ўз фарзандлари тарбиясига бўлган эътибори уларни катта ҳаётга мақсадли тарзда тайёрлаб бориш, қолаверса, мамлакатнинг умумий тараққиётига бевосита ҳамда билвосита таъсир этишини унутмаслигимиз зарур.

**Баҳром УМАРОВ**
Сурхондарё вилояти.

# ТИЛИ РАВОННИНГ ЙЎЛИ ҲАМ РАВОН

**Талаффузида бироз нуқсони бўлган тўрт яшар набирамни Тошкент шаҳридаги 5-болалар шифохонасига олиб бордик. Бола билан шуғулланган логопед унга ҳамроҳлик қилаётган акасини ҳам суҳбатга тортди. Бирининг тили равон, иккинчиси эса эркин гапира олишда қийналяпти. Врач қизимга (болаларнинг онасига) савол назари билан қаради. Нима учун? Бунинг сабабини тушунтираркан: «Катта болангизнинг билағонлигию, талаффузи тиниқлиги унинг дадил ва журъатлилигидан. Кичкинангиз эса негадир чўчияпти, ниҳоятда тортинчоқ, бу унинг тилига таъсир қилибди, билганини ҳам гапира олмай, дарров қизаряпти», деди.**

Педагогман, она тили ва адабиёт фанидан дарс бераман. Дарсни аъло ўзлаштириб келганда ҳам сўзларни бир-бирига боғлаб, гап тузиб, фикрини тўғри айта олмайдиган, натижада айбдорлик ҳиссини туйиб, хижолатда қоладиган баъзи ўқувчиларни биламан.

Бола нутқий ривожланишдан орқада қолаётганига гоҳо бепарпо бўламиз. Ҳали ёшу, нутқи тўғри бўлиб кетади, деган хаёлга борамиз. Бундай ҳолатларга бепарво қарасак, фарзандимиз нутқидаги нуқсон кейинчалик ҳам унинг ривожланишига таъсир ўтказиши, балоғат ёшига етганда дудуқланиб гапириши, одамларга қўшилиб кетиши қийинроқ кечиши мумкин. Аксинча, гапга чечан, нотиқлик маҳоратига эга боланинг сўз бойлиги ҳам ўзгача. У ҳамиша ўзига ишонган, шижоатли. Нутқи суст ривожланган боланинг эса сўз бойлиги кам бўлиб, у кўпчиликдан ўзини четга олади, тушкунлик ҳолатига тушади. Товушларни нотўғри талаффуз қилар экан, ўзида қандайдир нуқсонни сезиб, умидсизликка тушгач, сўз бойлигини оширишга, тилдаги янги сўз, ибора ва ифодаларни ўрганиб олишга журъат этолмайди. Билимли бўлса-да, нутқида камчилиги борлигини англаган бола жавоб бериш жараёнида овози титраб, ҳаяжондан ичидагини чиқаришга қийналади. Боланинг гапириш қобилияти суст бўлса, юқори даражада фикрлаш қобилияти ҳам кўринмай кетиши турган гап...

Шуларни хаёлимдан ўтказарканман, ёнма-ён ўтирган набираларимга разм солдим: бири ўзини эркин тутса, иккинчиси аллақандай ҳадиксираб ўтирибди. Бир оила фарзанди характеридаги хилма-хиллик эса уларнинг ўзини тутишию, нутқига таъсир кўрсатган. Ука акасидек тили бурро бўлиши учун нима қилиш керак?

— Биринчи навбатда болани журъатли бўлишга ўргатиш лозим, — қизимга маслаҳат берди мутахассис. — Она экансиз, боғча ё мактабга чиқишини кутиб ўтирмай, уй шароитида машғулотни бошлаб юборинг. Боладаги тортинчоқлик, журъатсизликни бартараф этиб боринг. Тил дефектларини бирдан-бир даволаш йўли — уни кўпроқ гапиртириш, ширинтойни эркалаган ҳолда воқеа-ҳодисаларни қайта-қайта гапириб беришга одатлантириш, ўзига ишонч ҳиссини уйғотиш. Устоз-мураббий ҳам ўзингиз, врач ҳам ўзингиз. Ҳадемай тили бурро бўлиб кетади болакайнинг!

Юнусобод туманидаги 12-марказий кўптармоқли поликлиникада фаолият юритаётган олий тоифали шифокор Гулнора Обидованинг қабулида бўлганимда, боланинг ривожланиш даврида унинг нутқига салбий таъсир этиши мумкин бўлган омиллар тўғрисида гапириб берди. Булар: отанинг ичкиликка ружу қўйганлиги, онанинг ҳомиладорлик чоғида қаттиқ асабийлашиши, ўзини эҳтиёт қилмаслиги, вақтида дам олмаслиги, туғишнинг қийин кечиши, оиладаги нотинчлик...

Тортинчоқлик, журъатсизлик каби хислатлар оқибатида бола нутқидаги нуқсонни мутахассиснинг маслаҳатини олган ҳолда ўзимиз ҳам бартараф этишимиз мумкин эканлигига ишонч ҳосил қилдим. Бу иш бироз эътиборталаб экан, холос. Қизим врачнинг айтганини қилиб, кичкинаси билан астойдил шуғулланди. Муттасил нутқий машқ самарасини берди: набирамнинг тили равонлаша бошлади.

**Муҳаммад ШОДИЙ,**
**олий тоифали ўқитувчи**

**Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 23 январдаги ПҚ-573-сонли қарори, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1997 йил 20 августдаги 409-сонли ҳамда 2002 йил 25 январдаги 33-сонли қарорлари ижросини таъминлаш мақсадида: Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 21 ноябрдаги 456-сонли қарори талаблари асосида, 2012-2013 ўқув йилида 1-синфга қабул қилинадиган ўқувчиларга ўқув қуроллари, кам таъминланган оилаларнинг 1—9-синфларида ўқийдиган фарзандларига қишки кийим-бошлар, касаллиги туфайли якка тартибда уйда таълим олаётган ногирон болалар учун ўқув қуролларини харид қилиш учун тендер савдолари ўтказди. Ушбу тендер савдоларида ғолиб чиққан корхона ва ташкилотлар**

**РЎЙХАТИ ЭЪЛОН ҚИЛИНАДИ**

## Болалар курткаси бўйича:

1 AND DUR XF
2 ANIKS TEKSTIL MCHJ
3 AYSEL SANOAT SAVDO MCHJ
4 BARKAMOL ME'MOR MCHJ
5 FAYZLI SARDOR XK
6 KALINA LUX MCHJ
7 KASMIR LTD MCHJ
8 KOMETA AND MCHJ
9 MANGU DIYOR ShK
10 MATONAT XICHK
11 NAZARMAHRAM SAVDO LYUKS XK
12 OLIS KOINOT MCHJ
13 ROHAT SAVDO SERVIS MCHJ
14 SEZGIN PLUS MCHJ
15 SHAHRIXON SHUXRATI XK
16 SHOX JAXONGIR MIRZO MCHJ
17 UMIDBAXSH IMKON XK
18 YANGI MEZON MCHJ



## Ўсмирлар курткаси бўйича:

1 AL-ARAB SHERZOD XSF
2 AND BEGIJON MCHJ
3 AND DUR XF
4 ANIKS TEKSTIL MCHJ
5 AYSEL SANOAT SAVDO MCHJ
6 BARKAMOL OMINA LYUKS MCHJ
7 DILSHOD MCHJ
8 FAYZLI SARDOR XF
9 HAMNAFAS HAMKOR MCHJ
10 ISHONCH IMKON XAMROX MCHJ
11 ISTAMBUL TEKS MCHJ
12 KALINA LUX MCHJ
13 KOMETA AND MCHJ
14 MADINABONU BARAKA TIKUVCHI MCHJ
15 MANGU DIYOR ShK
16 NAZARMAXRAM SAVDO LYUKS XK
17 OLIS KOINOT MCHJ
18 ROHAT SAVDO SERVIS MCHJ
19 SELESTA XF
20 SEZGIN PLUS MCHJ
21 SHAHRIXON SHUXRATI XK
22 SHOX JAXONGIR MIRZO MCHJ
23 TIKUV SAMARA MCHJ
24 UMIDBAXSH IMKON XK
25 UY MEHNATI MCHJ
26 XUSHBAXT ELEGANT XK
27 YANGI ME'ZON MCHJ





## Болалар пойафзали бўйича:

1 ALFA BETTA MCHJ
2 BENET MCHJ
3 GAVHAR BIZNES RIVOJI MCHJ
4 HAMID XICHF
5 HIKMAT SAODAT XK
6 KOSONSOY AL-AZIZ LTD MCHJ
7 LIANOR SAVDO MCHJ
8 NUR RAVSHAN MCHJ
9 NURAFSHON DARGOH MCHJ
10 ORENA REKON AND MCHJ
11 SADO-2000 KTICHSK
12 SAPFIR INVEST ELIT MCHJ
13 SEUL AND LUX MCHJ
14 SUDAYSI KTICHSF
15 VIP UNIVERSAL XK
16 VODIY LYUKS SERVIS XK
17 WINKLER ICHK



## Ўсмирлар пойафзали бўйича:

1 ALFA BETTA MCHJ
2 ELIT DIAMOND XK
3 GAVHAR BIZNES RIVOJI MCHJ
4 GRETA SOFT TRAIDING MCHJ
5 HAMID XICHSF
6 HIKMAT SAODAT XK
7 IBRAT MCHJ
8 INTER DIONIS INVEST XK
9 INTER GIGANT SERVIS XK
10 IQBOL KTXK
11 MADINABONU FZ XKTICHSF
12 MAKS SERVIS SAVDO MCHJ
13 ME'ZON SIFAT SAVDO MCHJ
14 NUR RAVSHAN MCHJ
15 O'RIKZOR QUVONCHI XK
16 ROHATBAXSH ME'ZON XK
17 RT KVART SERVIS MCHJ
18 SANOAT ME'ROJ XK
19 SUDAYSI KTICHSF
20 VIP UNIVERSAL XK







## Болалар қалпоғи ва қўлқопи бўйича:

1 ASAKALIK SHIRIN KTSICHF
2 GEFRES XK
3 INTER DIONIS INVEST MCHJ
4 ME'ZON SIFAT SAVDO MCHJ
5 MOVISTAR XK
6 NAFIS-TEKSTIL MCHJ
7 NAVRO'Z-PTK MCHJ
8 SIBNO MCHJ
9 TADBIR MCHJ



## Ўсмирлар қалпоғи ва қўлқопи бўйича:

1 ASAKALIK SHIRIN KTSICHF
2 INTER DOINIS INVEST MCHJ
3 KAPITAL TA'MINOT SERVIS MCHJ
4 ME'ZON SIFAT SAVDO MCHJ
5 MOVISTAR XK
6 NAFIS-TEXTIL MCHJ
7 TADBIR MCHJ
8 XIZMAT GARANT ELIT XK
9 ZEVA TRAIDING SAVDO MCHJ

## Ўқувчилар сумкаси бўйича:

1 ATIRGUL G'UNCHASI XICHF
2 CHIN ILXOM XICHK
3 CHIN SHARQ MCHJ
4 HUMO-TEKS KTKK
5 INOQ SICHF
6 MADINA-97 MCHJ
7 MILANO MILLENIUM MCHJ
8 MRIYA XICHKK
9 ORZU OSIYO OPTIMA MCHJ
10 ORZU-ATTORLIK MCHJ
11 PARPI OTA KTXF
12 SAG'BON TIKUVCHI ELIT MCHJ
13 SHOX AKBAR XSICHF
14 VISOL NUR ICHK
15 XO'JAOBOD MCHJ
16 XUR FERUZ MCHJ



## Ўқув қуроллари бўйича:

**DAFTAR**

1 ARENA HOLDING GROUP MCHJ

**PENAL**

1 XO'JAOBOD MCHJ



**RANGLI QALAM**

1 PAPER IMPEX MCHJ



**O'CHIRG'ICH-LASTIK**

1 R YUNUS-OTA XK



**RANGLI QOG'OZ**

1 SANO STANDART MCHJ



**RASM DAFTARI**

1 DAFTAR INVEST ShK

**ODDIY QALAM**

1 OYBEK-QUEBEK QK



**RUCHKA**

1 OZIQ-OVQAT SAVDO MCHJ

**YELIM-KLEY**

1 PAPER IMPEX MCHJ



**AKVAREL BO'YOG'I**

1 PAPER IMPEX MCHJ
2 R YUNUS-OTA XF



*Qadriyat*

# КАШТАЛАРДА МАВЖЛАНГАН ҲАҚИҚАТ

**Инсон гўзалликка интилиб яшайди. Унинг қўллари билан яратилган ҳар қандай буюм ўз қадр-қимматига эгалиги ва ноёб дурдонага тенглиги билан беқиёс. Мамлакатимиз узоқ ва бой қадриятлар бешиги эканлигини юксак бадиий дидга эга бўлган ҳунармандчилик буюмларида кўриш мумкин. Ёғоч, лой ёки бир бўлак матода юртимизнинг гўзал табиати, узоқ ўтмиши жонланади, гўё. Ана шундай санъат турларидан бири каштачиликдир. Унинг яратилиши ҳам ўзига хос. Кузатув жараёнида бунинг гувоҳи бўлдим.**

### САНДАЛ АТРОФИДА ЯРАТИЛГАН ГЎЗАЛЛИК

Қишлоқда қиш кунлари юмушлар анча камайиб, вақт ўтиши секинлашиб қолади. Бу пайтда аёллар ҳам бироз тин олади. Янги йил байрами муносабати билан қишлоққа бордим. Лойсувоқ, пахса уйлардан қизу аёлларнинг гангур-гунгур овозию, шўх-шодон кулгусини эшитдим ва беихтиёр ўша томонга йўл олдим.

Қишлоқда яхши одат бор. Эшикдан кирган одамни хонадон соҳиблари кимлигидан қатъи назар, уй тўрига бошлайди. Хонага кирарканман, ажойиб манзаранинг гувоҳи бўлдим. Деворда гўёки моҳир рассом асаридаги каби гўзал манзара касб этган нақшинкор, бир текисда тикилган каштачилик намуналари осилган. Ўртада каттагина сандал, унинг атрофига йиғилганлар: ёши улуғ аёллар, ҳаттоки қизалоқлар ҳам қизғин иш билан банд. Уларга халақит бермаслик учун четдан ишларини кузата бошладим. Хона бўйлаб кенг ёйилган алвон рангли матонинг ҳар бурчагидан тикилаётган турфа гуллар гўёки жонланиб борар эди. Мато ўртасидаги қуёшнинг жимжимадор нурлари товус «патларига» уйғунлашиб кетиб, санъат асарига ўзгача маъно бағишларди. Ранглар бир-бирига мутаносиб тарзда табиат гўзалликларини ўзида акс эттирарди. Кашталарни кузатиш жараёнида момоларимиз нафасини туйдим. Улар қўли билан яратилган ва бизгача мерос бўлиб келаётган кашталар қадриятларимизнинг юксак намунасидир. Атрофига қизалоқларни йиғиб, игнани моҳирлик билан ишлатаётган момога юзландим.

— Мен кашта тикишни момомдан ўрганганман, — дейди етмиш ёшли сурхондарёлик Зулайҳо момо. — У пайтлари қизларга болалигиданоқ кашта тикишга ўргатиларди. Чунки турмушга чиқаётган қизларнинг моҳирлиги тиккан кашталарига қараб баҳоланган. Аввалига момомнинг кўзи ўтмаганлиги учун игнага ип ўтказиб берардим. Кузатиб туриб кичкина чокларни, ундан кейин катта-катта нақшлар тикишни ўргандим. Ҳозир менда момом тиккан кашталар бор, улардаги гулларни невара-қизларимга ўргатяпман.

Уни яна саволга тутаман:

— Кўришга қийналмаяпсизми? Ахир, тикиш учун кўз нури керак?

Момо гапидан адашмай:

— Йўқ болам, Худога шукр, кўзим ўтади, ҳали невараларимга ўргатишим керак бўлган кўп нақшларим бор, — дейди.

Момони аждодлар ва авлодлар ўртасидаги қадрият кўпригини мустаҳкамлаётган инсонга қиёслаш мумкин. Матода акс этган санъат асарини яратиш учун у вақтини, кўз нурини аямайди, ўткир нигоҳи билан қўлларини ҳаракатлантириб, санъат асарини юзага келтиради.



Каштачилик ҳунармандчиликнинг энг қадимий турларига киради. Унда аёлларнинг руҳий кечинмалари, ўй-хаёллари ва орзу-умидлари акс этади. Асосан, қизлар қўли билан яратилган каштанинг талабгори ўша оиланинг ўзи ҳисобланган. Рўзғор буюмлари, кийим-кечаклар кашта билан безатилган. Қизлар сепининг асосий қисмини каштачилик буюмлари ташкил этган. Куёв томон кашталарнинг тикилишига қараб, қизнинг қанчалик моҳирлиги, чеварлиги диду, фаросатига баҳо берган. Қишлоқларда ҳозир ҳам бу анъана сақланиб қолган.

### КАШТАЛАРДА ТАБИАТ АКСИ

Каштачилик мактаби жойнинг тарихий ва этник ривожланиш хусусиятларидан келиб чиқиб, маҳаллий анъаналарга таянган ҳолда вужудга келади. Бухоро, Ғиждувон кашталари услубида йўрма шакли кўзга ташланади. Бу, асосан, бигиз орқали бажарилганлиги сабабли бошқа ҳудуд кашталаридан тикилиш жиҳатидан ажралиб туради. Ғиждувон сўзаналари композициясини анъанавий марказий майдон, кенг ва иккита тор ҳошия ташкил этади. Мато марказига симметрик нақшлар кетма-кет ҳолатда жойлаштириб тикилади. Ғиждувон чеварлари кашталарда «Тўпбарггул», «Бутадарё», шох ва шохчалардан кенг фойдаланади.

Бир хил унсур такрорланмаслиги, композицион қурилмасининг пухталиги, тикиш техникасининг юқори даражадалиги, рангларнинг нафислиги, нақш ва ҳошияларнинг ўзаро уйғунлиги билан алоҳида ажралиб турувчи Нурота кашталари эътиборга молик. Бу ҳудуднинг кашталари чамбарак ва йирик гуллари билан машҳур. Унинг яна бир хусусияти шундаки, гул шакллари санаб тикилади. Каштадўзлар гулларни шундай жойлаштириб тикадилардики, унга энидан ҳам, бўйидан ҳам қараганда бир хил сонлар ҳосил бўлади. Мато марказига уч ёки тўртта йирик гул доира шаклида туширилиб, чамбарак баргларнинг мутаносиблиги, чап ва ўнг томондаги гуллар рангига кўра бир хил бичимда эканлиги унинг ўзига хослигини белгилайди.

— Кашта иқлим, табиий шароит билан боғлиқ ҳолда яратилади. Сурхондарё, Қашқадарё томонлар иссиқлиги боис, асосан, кашта гуллари ёрқин рангларда тикилади. Қизил рангли мато танланади. Фарғона томонларда эса адрасга тикиш маъқул кўрилади. Ғиждувонда тўқ ва очиқ ранглардан фойдаланилганлиги боис кашталар бироз кескин кўринишга эга. Нурота кашталари очиқ ҳамда сарғиш ранглари билан ажралиб туради, — дейди республика дизайн коллежи ўқитувчиси Санобар Ғаффорова. — Кашталарда, асосан, ўсимликсимон, геометрик, доирасимон шакллар ҳамда қушлар ва осмон жисмлари, қалампиргул ва сўлгин гул композициялари тасвирланади. Ислимий, такрор нақшлар кашта атрофини безашда ишлатилган. Йўқолиб кетаётган кашта санъати мустақиллик йилларидан сўнг яна тикланди. Олий ўқув юртлари ва коллежларда каштачилик курслари ташкил этилиб, янги-янги композициялар устида иш олиб борилмоқда. Кашта матоларига талаб катта. Ўқувчиларимизда бу соҳага иштиёқ кучли. Кашталарни замонавий услубдаги либос ва сумкаларда ҳам учратишимиз мумкин. Шунингдек, хона интерьерларини безашда ҳам каштачиликдан унумли фойдаланилмоқда. Бу инсонга хуш кайфият улашиш билан бирга ёшларнинг миллий ҳунармандчилигимизга меҳрини оширади.



### АЁЛЛАР ТАСАВВУРИДАГИ ОЛАМ

Бойсун туманидаги ҳар бир хонадонни музейга қиёслаш мумкин. Чунки у ердаги оилалар ўз сулоласи томонидан яратилган ҳунармандчилик маҳсулотларини асраб-авайлаб, мерос тариқасида авлодларига қолдиради. Шу ёққа йўлингиз тушса, хоҳлаган хонадонингизга кириб, ҳунармандчиликнинг нодир асарлари билан яқиндан танишишингиз мумкин.

— Бойсун Сурхондарёдаги каштачилик мактабининг ўчоғи ҳисобланади. Ўқувчилар маҳаллий каштачиликни ўрганишга қизиқадилар. Бу ҳудуд кашталарида асосан ёркин ва ўзига хос гуллар яққол кўзга ташланади. Кашталаримиз қизил, буюмлардаги ранго-ранг тасвир ва шўх ҳамда жиддий кесимлар билан ажойиб уйғунлик касб этади. Тўқ қизил, яшил, сариқ ва ёрқин кўк ранглар каштага кўрк бағишлайди. Бойсун кашталарида бир хилликка эътибор қаратилмайди. Маҳаллий аёлларнинг бой тасаввури ва фантазиясидаги манзаралар унда намоён. Асосан, осмон жисмлари — Қуёш ва Ойнинг мажозий кўриниши кашталарда акс эттирилади. Матодаги шакллар битта Ой номи билан юритилади. Битта сўзанада бир нечта Қуёш ёки Ой тасвири туширилиши мумкин. Орасига «Бодомгул», «Лолагул» нақшлари ислимий тарзда эркин жойлаштириб тикилади. Бойсун кашталарида асосан манзара тасвирланади. Бутоқларда булбул, қалдирғочларнинг турли маҳомдаги суратлари акс этади. Ва каштадўз уни рамзий маънода жаннатга қиёслайди. Шаклар маъносини ўқувчиларимга тушунтириб бораман, рангларини танлаш ва улардан қандай фойдаланишни ўқувчи-қизларга ўргатиб келаяпман, — дейди Сариосиё тумани «Баркамол авлод» болалар ижодиёт маркази каштачилик тўгараги раҳбари Зуҳра Шарипова. — Марказимизга ўқувчи-қизларнинг қатнови яхши йўлга қўйилган, уларнинг бўш вақтларини мазмунли ташкил этиш ва ҳунармандчиликнинг ҳамма сир-асрорларини ўрганишга қизиқишлари катта.

**Ота-боболаримиздан мерос бўлиб қолган ҳар қандай илму амал ёш авлодни ўзига оҳанрабо каби тортади. Аждодларимиз томонидан яратилган қўл меҳнати, ақл-заковат намуналарида тарбия мактабининг омиллари бисёр. Қўл меҳнати билан юзага келадиган каштачилик ўзининг тарихий илдизларига эга.**

**Миллий ҳунармандчиликнинг бу тури келажакда ҳам яшаб қолишига, қадрланишига ишонгимиз келади.**

**Феруза ХОЛМУРОДОВА,**
**«Ma'rifat» мухбири**

*Suv oqib kelayotgan g'orning uzunligi 10 kilometrdan uzoq bo'lib, oxirigacha borishning iloji, imkoniyati yo'q emish.*



# ЕРОСТИ ДАРЁСИ — СУРХОН ВОҲАСИ МЎЪЖИЗАСИ

**Илм-фан тараққий этган, дунёнинг кўпгина сир-асрорларига жавоб топилган XXI асрда яшаётган бўлсакда, табиат сирлари ҳанузгача одамни ҳайратга солмоқда. Сурхондарё вилоятидаги Мачайдарёнинг чап томонида осмонўпар қоянинг этагидаги камардан отилиб чиқаётган Хўжамайхона булоғи бунга мисол. Аслида уни булоқ дейиш унча тўғри эмас. Сурхон воҳасининг энг сўлим гўшаларидан бири — Дарбанд қишлоғини кесиб ўтувчи кумуш сувли Мачайдарёни кўпчилик кўрган. Ана шу дарё сувининг қоқ ярми Хўжамайхона булоғидан чиқяпти, десак кўпчилик ишонмаса керак. Бироқ бу — ҳақиқат, айни пайтда у она-табиатнинг бизга номаълум ноёб синоатларидан бири.**



Мачайдарё — вилоятдаги ҳажми жиҳатидан нисбатан катта ҳисобланувчи дарё — Сурхондарёдан кейинги ўринда туради. У Амударёнинг ўнг ирмоғи ҳисобланади. Узунлиги 186 километр бўлган дарё Ҳисор тоғларидан бошланади, бу ердаги қор ва музликлардан тўйинади, Ирғайли, Қизилсой каби сойлар қўшилишидан ҳосил бўлади. Қизиғи, сув ҳавзасининг Дарбанд қишлоғигача бўлган қисми Мачайдарё, сўнгра Дарбанддарё, Шеробод туманидан сўнг эса Қорасувдарё деб аталади. Дарё ўз йўлида тўрт дарани кесиб ўтади. Бу дарё суви бир пайтлар Орол денгизигача борган.

Қадимда Мачайга бориладиган йўл Дарбанд дарасидан ўтган экан. Дастлаб одам қатнаши, от-улов ўтиши учун ҳам йўл бўлмаган, дара охири берк бўлган. Кейинчалик тоғлик аҳолининг топқирлиги, машаққатли меҳнати натижасида даранинг ғарбий қисмидан дарёнинг устида ёғоч нарвон боғлаб, торгина йўл — сўқмоқ қурилган. Бироқ бу йўлакча ишончсиз ва омонат эди (ҳозир бу йўлакча бузилиб кетган). Кейинги йилларда даставвал дарё ёқалаб «Чорбоғ» болалар оромгоҳигача текис йўл ўтказилди. Кейинчалик Мачай қишлоғи аҳли учун дарё бўйлаб йўл ўтказилди, сув устига замонавий кўприклар қурилди.

Юқорида Хўжамайхонадан ярим дарё сув чиқяпти дедик. Тун-кун, йил — ўн икки ой шунча сув чиқиб туриши учун тоғ қаърида қанча ҳажмдаги сув манбаи бўлишини тасаввур қилса бўлади. Қолаверса, бу сув манбаи узлуксиз тўлиб туриши ҳам зарур, албатта. Яна бир эътибор бериш зарур бўлган ҳолат — булоқдан чиқаётган сув ҳажми доимо бир меъёрда эмас. Май ойидан бошлаб сув кўпая бошлайди, июнь ойи ўрталарида кўпайиши энг баланд нуқтага чиқади. Аниқроғи, саратонда кунлар исиши билан тоғларда қор ва музликлар эриши тезлашади, соябет ўнгирлардаги қорлар ҳам эрий бошлайди. Шу сабаб ер остига сув оқиб тушиши ҳам кўпаяди. Бунда арчазорлар, ёввойи дов-дарахтлар, бутазор, чангалзорларнинг ер остига сув узатишда қанчалар хизмати борлигини ўйлаб қоласан киши.

Сирли ва мавҳум ер ости дунёси! У ҳақида билганларимиз нақадар оз. Тоғларимиз остидан жуда катта дарё оқиб ўтяпти. Хўжамайхона ана шу дарёдан ажралиб чиқаётган кичик бир ирмоқдир, деган фикрлар ҳам бор. Мачайлик кексаларнинг айтишича, булоқ суви тоғдан оқиб келаётган Мачайдарё суви миқдорига ҳамиша тенг экан. Бинобарин, Мачайдарё тошса, бу сув ҳам шунга монанд тошади. Демак, иккала сувнинг ҳам манбаи баланд тоғлар бағридаги музликлар, катта-кичик жилға ва булоқлардир.

Хўжамайхона суви шунчалик шаффоф, тиниқки, булоқ тубидаги майда тошчалар, тўда-тўда бўлиб сузаётган кичик балиқчалар аниқ, равшан кўриниб туради. Булоқ осмонўпар қоялар остида бўлганидан унга фақат қоқ тушдагина бир зум қуёш нури тушади. Унинг икки томонида дўлана, тўғдона дарахти ўсган, сув йўлида эса толлар, улкан харсанг тошлар. Шох-шаббалари бир-бирига қўшилиб, чатишиб кетган толларнинг айримлари тик, айримлари сувга эгилиб турибди. Тезоб дарёсининг қоқ ўртасида ўсган толлар ҳам бор. Йиллар ўтиши билан қуриган тол шохлари харсангтошлар ўртасида кўндаланг тушиб, кўприк ҳосил қилган. Улардан юриб дарёнинг қоқ ўртасигача бориш ва мавжланиб оқаётган сувни томоша қилиш мумкин. Бошқа тоғ дарёларидан фарқли, бунда ёввойи ҳолда ўсган толлар, айниқса, сариқ толлар жуда кўп. Улар тўда-тўда бўлиб, чангалзор ҳосил қилган. Дарахтдай бўлиб ўсган юлғунзорларни, қояларга чирмашиб ўсган ёввойи токларни ҳам кўриш мумкин. Бу ерда бодом, дўлана, ёввойи олма ва бошқа кўплаб мевали дарахтлар ўсади.

Хўжамайхонада дам олишга борувчилар учун усти ёпиқ шийпонча қурилган. Бу табиат масканига икки хил тоифа инсонлар ташриф буюради. Бирлари табиатни севиб, унинг гўзалликларидан завқ олгани ва экология қоидаларига амал қилган ҳолда ҳордиқ чиқариш мақсадида бу ерларга келади. Улар ортидан тозалик, ободлик, гул-гулзорлар қолади. Иккинчи тоифа озчилик бўлиб, табиатга истеъмол манбаи сифатида қарайди, шу сабаб ҳам улардан кейин оёқости қилинган ўт-ўланлар, синдирилган, кесилган дов-дарахтлар, турли чиқинди ва ифлосланган сув қолади. Шу боис маҳаллий аҳоли ва кўпни кўрган инсонлар бу каби жаннатмакон гўшаларда экологиянинг озор топмаслиги йўлида жон куйдирмоқда.

Мачайдарё атрофида яшовчи аҳоли Хўжамайхона ҳақида кўплаб ривоятларни билади. Улардан бирида тилга олинишича, олис ва баланд Бойсунтоғнинг Чўлибойир текисликларида Кампиркўл деб номланган чуқур кўл бор экан. Айтишларича, Хўжамайхона булоғининг дастлабки сув манбаи айнан шу Кампиркўлдан бошланар экан. Бу кўлга борадиган йўл нотекис ерлардан ўтгани учун у жойга бориш анча қийин. Бир замонлар эшакнинг тўқими шу кўлга тушиб, анча вақтдан кейин Хўжамайхона сувидан чиққанмиш. Бошқа ривоятларда ҳам «Сув жуда узоқлардан оқиб келади, тоғ остида улкан дарё бор» деган фикр мавжуд.

Хўжамайхона булоғининг шуҳрати узоқларга кетган. Турли мамлакатлардаги ғоршунослар бу жойга қизиқиб шунча кўп сувнинг қаердан оқиб келаётгани ҳақида бош қотирмоқдалар.

Яна бир жиҳат: Хўжамайхона булоғини ўрганишнинг қулай томони бор экан. Аниқроғи, сув катта ер ости ғоридан чиқиб келаётгани боис унга бемалол кириш мумкин. Шу сабабли иркутсклик олимлар 2 километрлик масофани ғаввос кийимида махсус ёритгичлар ёрдамида кириб бориб ўргандилар. Уларнинг айтишича, дастлаб катта кўл-сувлик борган сайин катталашиб, ғор узоқлашиб борар, сув қаттиқ босим остида шовиллаб оқар, оқимга қарши юриш жуда оғир экан. Сув оқиб келаётган ғорнинг узунлиги 10 километрдан узоқ бўлиб, охиригача боришнинг иложи, имконияти йўқ эмиш.

Таъкидлаш жоизки, Хўжамайхона булоғидан инсон соғлиғи учун фойдали ва зарур бўлган минерал моддаларга бой шифобахш сув чиқади. Саратоннинг энг иссиқ кунларида ҳам булоқ суви муздайлигидан қўлни солиб туриб бўлмайди. Хўжамайхона сувини ичган, булоққа тушган кўп одамлар қатор хасталиклардан фориғ бўлганини айтадилар.

Ҳа, шубҳасиз, Хўжамайхона — табиатнинг энг дилбар, мўъжизавий гўшаларидан бири, инсонга берилган бебаҳо совғаси. Булоқ атрофидаги тоғнинг тоза, салқин ҳавоси, арчали ўрмон, баланд, тор дара ичидан ўтган текис йўл одамларнинг ҳордиқ чиқариши учун қулай имконият яратади. Булоқ сувидан бир тўйиб ичсангиз, мазаси бир умр оғзингизда қолади. Шу боис она-табиатнинг ўзига хос гўзал ва манзарали ушбу гўшаси доимо кишиларни қайта-қайта ўз бағрига чорлаб туради.

**Очил ТОШҚУЛОВ**

# СТЕВИЯ — МЎЪЖИЗАКОР ЎСИМЛИК

**Стевия (Stevia rebaudiana Hemsl) — шакар ўт ўсимлик бўлиб, мураккаб гулдошлар оиласига мансуб. Унинг асл ватани Жанубий Америка, аниқроғи Парагвай мамлакати ҳисобланади. Ватани субтропик минтақа бўлса-да, у ерда ўсимлик баргидан 6-7 фоиз стевиазид моддаси олинади. Бу модда истеъмол қилинадиган шакарга нисбатан 300-350 марта ширинроқдир. Шу сабабли Стевия ҳозирги кунда АҚШ, Япония, Хитой, Корея, Россия, Украина ва бошқа давлатларда кенг истъемол қилиниб, озиқ-овқатда табиий ширинлик воситаси, медицина ва фармацевтикада турли хил дори-дармонлар хом-ашёси, қишлоқ хўжалигида сифатли маъдансиз ўғит, биостимулятор ва зараркунандаларга қарши курашувчи табиий восита, парфюмерияда эса ноёб табиий хом-ашё қўшилмаси сифатида ишлатилиб келинмоқда.**

### СТЕВИЯ СУРХОНДАРЁ ИҚЛИМИГА МОСЛАШДИ

Стевия ўсимлигини Ўзбекистон иқлими шароитида маданийлаштириш ва унинг биотехнологиясини ишлаб чиқиш ва ундан кенг миқёсда фойдаланиш масаласига мамлакатимизда катта эътибор қаратилмоқда. 1994 йилдан бошлаб бу ўсимликни етиштириш бўйича Шўрчи туманида кенг кўламда илмий-тадқиқот ишлари бошлаб юборилди.

Стевия Шўрчи иқлимига мослаштирилди ва маданийлаштирилди. Мамлакатда биринчи марта очиқ дала шароитида стевиянинг сифатли уруғи олинди. Уруғдан кўкарган кўчатлар кўп йиллик бўлганлиги сабабли, маҳсулот таннархи арзонлашди. Стевиянинг совуққа чидамли, ширинлиги юқори, ҳосилдор, дала шароитида гуллаб, сифатли уруғ берадиган «Сурхон» нави яратилди. Унга Портулякция усули қўлланиб, кўчатлардан фойдаланиш даври узайтирилди. Ҳосилдорлик дастлабки йилда гектаридан бир тоннагача, кейинги йилларда бошлаб эса 1,5–2 тоннагача кўпайиб борди.

### СТЕВИЯ — ДОРИ-ДАРМОН БЎЛА ОЛАДИМИ

Эҳтимол, бу ҳақда фикр юритишимизга ҳали эртадир. ЎзМУ биология тупроқшунослик факультети олимлари стевия ўсимлигидан истеъмол маҳсулотлари ишлаб чиқариш технологиясини яратишга астойдил киришдилар. Бу ҳақда биология фанлари доктори, профессор Мирзаатҳам Раҳимов шундай дейди:

— Яратган технологиямиз унчалик мураккаб эмас. Стевия баргларидан стевиазид моддаси экстракция қилинади. Ундан эритма тайёрланади. Эритма махсус идишга бир неча соат, баъзан бир сутка солиб қўйилади. Шу тариқа тозаланган стевиазид экстракти тайёр бўлади. Бу модданинг ранги оқсарғиш, қумоқ-қумоқ кўриниш касб этди. Шундан кейин стевиазид қуритилиб, оқ кукун ҳолатига келтирилади.

Модда жуда ширин. Шу боис соф ҳолатда ишлатилмайди. Озиқ-овқат ва ичимликларга кам миқдорда қўшилади. АҚШда бу технология умуман бошқача тарзда ишлаб чиқилган. Европа давлатларида эса бу моддага кўпроқ крахмал ёки бошқа озуқалар қўшилади.

Стевиазидни фақат қанд моддаси, деб ўйламаслик керак. Аслида у гликозид! Бу модданинг микробларга, бактерия, вирусларга қарши таъсири бор. Шунинг учун ҳам беморларни даволашда, яраларни тузатишда, куйганга қарши катта наф беради. Ҳатто, тери касаллиги билан оғриган беморлар ҳам ундан шифо топиши мумкин.

**Бахринисо АЛЛАЯРОВА, ЎзМУ талабаси**




## СУРАТДА: ТИТАН ВА ПРОМЕТЕЙ

**Сатурн йўлдошлари — Титан ва Прометей «Кассини» зонди ёрдамида суратга олингани ҳақидаги хабарни «Лента» нашри эълон қилди. Тасвирлар ҳамда уларнинг изоҳини зонд воситасида олинган фотосуратлар таҳлили билан шуғулланувчи CICLOPS лойиҳасининг сайтида кўриш мумкин.**

Суратлар 2012 йилнинг 5 январь санасида туширилган. Тасвирларда, шунингдек, Сатурн, унинг ҳалқалари ҳамда Титан (қолаверса, газли гигант соялари) яхши акс этган. Прометей эса тасвирнинг ўнг томонида, ҳалқалар устидаги кичик оқ нуқта кўринишида намоён бўлган.



Тасвир инфрақизил фильтр орқали газли гигантдан 685 минг километр узоқликдаги масофадан туриб туширилган. Фотосуратнинг масштаби — 1 пикселда 37 километр. Эслатиб ўтамиз, Титаннинг диаметри — 5150 километрни, Прометей диаметри эса 86 километрни ташкил этади.

## Е ВИТАМИНИ МЕЪЁР ТАЛАБ ҚИЛАДИ

**Токио(Япония)даги Кейо университети олимлари қатор тажрибалардан сўнг Е витамини суякларни заифлаштириши ва остеопороз касаллигини келтириб чиқариши мумкин, деган хулосага келишди. «Medical Xpress» манбасида бу ҳақида маълум қилинди.**



Тадқиқотчиларнинг изоҳлашича, суяк бақувватлиги ҳужайралар (остеобластлар) ва ушбу тўқималарни парчаловчи (остеокластлар) ўртасидаги мувозанатга боғлиқ. Гарчи аввалги тажрибаларда Е витамини суякларга фойдали экани аниқланган бўлса-да, япон олимлари илк маротаба унинг миқдори ошиб кетса, суяк тўқималарини парчаловчи остеокластларнинг ҳам кўпайишига таъсир қилишини исботлашди.

## СОВУҚДАН КИМ САҚЛАНИШИ КЕРАК?

**Юрак касалликларидан азият чекувчи одамлар кислородга бўлган эҳтиёжини совуқ ҳавода нафас олиш орқали қондира олмайдилар. Демак, қор кураш ва шу каби бошқа машғулотлар баъзи одамлар учун хавфли бўлиши мумкин. Ушбу хулоса совуқ ҳавода юрак томирлари касалликларининг авж олиб кетиши сабабларини ўрганган Пенсильвания университети Тиббиёт коллежи олимлари томонидан «Journal of Applied Physiology» нашрида эълон қилинди.**

Изометрик машқлар (қор кураш, оғир буюм ёки ноутбук солинган сумка кўтариб юриш) юрак орқали ўтувчи кислороднинг тана бўйлаб нотўғри тақсимланишига олиб келади. Соғлом организм ушбу муаммони бартараф этишга қодир. У қонни шундай тақсимлайдики, юрак нормал фаолият юритишда давом этади. Бироқ юраги хаста одамларнинг танаси бундай оғирликка бардош бера олмайди. Паст об-ҳаво шароитида юракка тушадиган оғирлик ортади, оқибатда ўлим ҳолатлари айнан қишга тўғри келади.



Тадқиқот давомида 20—60 ёшдаги соғлом одамларнинг ўпка ҳамда юрак фаолияти ўрганилди. Жараёнда юрак ҳолатини баҳолаш учун кўнгиллилардан қўлларини ишлатиб, изометрик ҳаракатлар қилишлари сўралди: бундай ҳаракатлар қон босимининг ошишига сабаб бўлади. Иштирокчилар махсус жисмни 2 дақиқа давомида қўллари билан сиқиб ушлаб туриш орқали юракка аста-секин босим ўтказишди. Машқлар давомида юракнинг чап қоринчасида кислород «талаби ва таклифи» ўртасидаги мувозанат бузилди. Таъкидланишича, тажриба совуқ ҳавонинг меъёрдаги таъсири ҳамда изометрик машқлар вақтида соғлом организм эндокард(юрак бўшлиғининг ички қобиғи)даги қонни тўғри тақсимлашини кўрсатди.

## ТЎЛҚИНЛАРДАН ЎЗИГА ХОС ҲИМОЯ

**Океанортидаги Калифорния-Беркли университети илмий ходими Муҳаммад Ризо Аълам денгиз тўлқинларидан ҳимояланишнинг ўзига хос назарий усулини тақдим этди. Янгилик ҳақида «ScienceNOW» манбасида хабар берилди.**

Ушбу методикага асос сифатида денгиз сувининг табиий стратификацияси — нисбатан совуқ ва зич (пастки) ҳамда нисбатан енгил ва илиқ (устки) қатламларнинг ҳосил бўлиши ҳолатидан фойдаланилган. Чунки бунда тўлқинлар юза бўйлаб ҳам, қатламлар орасидан ҳам тақсимланиши мумкин. Тадқиқотчининг ғояси эса бирор-бир объектга (масалан, бурғулаш платформасига) яқинлашадиган потенциал хавфли устки тўлқинларни нисбатан кучсизроғига айлантириб, сўнгра муҳофаза этилаётган ҳудуддан чиққанида яна ўз ҳолига қайтаришни назарда тутади. Боиси, бу икки турдаги тўлқинлар бир хил частотада мутлақо икки хил тарқалиш тезлиги ва узунликка эга бўлади. Бу эса, ўз навбатида, денгиз тубида тўлқинсимон нотекисликларни ҳосил қилиш орқали битта тўлқиндан иккинчисига энергияни узатиш имконини беради. Аҳамиятлиси, компьютер моделлаштириш ҳам мазкур усул самарасини тасдиқлади.



## БОЛА КЎРСАТКИЧ БАРМОҚҚА «ИШОНАДИ»

**Мактабгача (3—5) ёшдаги болалар учун ахборотни тасдиқловчи энг ишончли манба кўрсаткич бармоқ экан. Қўлнинг айни шу аъзосини маълум предметга йўналтириш орқали болани исталган нарсага ишонтириш мумкин, дея таъкидлашмоқда Виржиния университети психологлари. Мавзуга оид мақола «Psychological Science» журналида омма эътиборига ҳавола қилинди.**

48 нафар мактабгача ёшдаги болага икки аёл, тўртта пиёла ва шар тасвирланган видео намойиш этилди. Аёллардан бири шарлардан бирини яширмоқчи эканини айтади, иккинчиси эса деворга ўгирилиб туради. Биринчи аёл шарни пиёлалардан бирининг остига яширади. Шуниси муҳимки, аёл шарни қаерга яширганини болалар ҳам кўришмайди. Аммо болалардан шар қайси пиёла остида экани сўралганда улар шарни яширган аёл эмас, бармоғи билан пиёлалардан бирини кўрсатиб турган аёлнинг ҳаракатларига кўпроқ ишонишди.



Болалардан нима сўралаётганини тушунаётганига ишонч ҳосил қилиш учун, тадқиқотчилар уларга «Аёлларнинг қайси бири шарни яширди?» деган савол билан мурожаат этишди. Бу саволга болаларнинг барчаси тўғри жавоб берди. Демак, болалар шар қайси пиёла остида эканини билишса ҳам, бошқа пиёлага йўналтирилган бармоқ уларнинг фикрини ўзгартира олган.

## ХУРРАК — ЎТА ФАОЛЛИК БЕЛГИСИ

**Етти ёшли болаларда кузатиладиган ва илмий тилда гиперактивлик, дея аталадиган ўта фаоллик ҳолати уларнинг нисбатан кичик ёшида кузатиладиган бурун бўшлиғидаги нафас олиш қийинчилиги билан боғлиқ экан. Тажриба ҳақидаги мақола «Педиатрия» («Pediatrics») нашрида берилди.**

Мутахассислар 6 ойлик ва 7 ёшгача бўлган 11 минг нафар болаларнинг соғлиғи тўғрисидаги маълумотларни таҳлил этишган. Аниқланишича, бир ёшлигида ва ундан кейин ҳам ухлаётганда хуррак отган, пишиллаган, оғзи билан нафас олган ёки апноэ (қисқа муддат нафас олмаслик) кузатилган болалар кейинчалик ўртача 69 фоиз ҳолатда эътиборни жамлай олмаслик ва гиперфаоллик синдромидан азият чекар экан. Айни пайтда гарчи бурун орқали нафас олишдаги қийинчилик бартараф этилса ҳам мазкур хасталикнинг ривожланиш хавфи (40—50 фоиз) юқорилигича қолар экан.



Чунки ухлаётганда тўлақонли нафас олмаслик туфайли кислород етишмаслиги боланинг ривожланаётган миясига салбий таъсир кўрсатади. Қолаверса, болада уйқу сифати ҳам бузилиб, миянинг алоҳида қисмлари ривожи ва ундаги кимёвий мувозанатга ҳам салбий таъсир кўрсатади. Шу боис олимлар агар эрта ёшдан болаларда аденоид ва бодомсимон безлар уйқуда нафас олишда қийинчилик туғдирадиган бўлса, ушбу муаммоларни тезроқ бартараф этиш зарурлигини таъкидлашмоқда.

**В.ҚАРШИБОЕВА ва Н.РУСТАМБЕКОВА тайёрладилар.**

## JUMLADA JAHON

yangiliklari & xabarlari

АҚШнинг Кентукки, Индиана, Огайо, Алабама ва Жоржия каби қатор штатларида кузатилган кучли торнадо туфайли ҳозир 39 нафар инсон ҳаётдан кўз юмгани ҳамда Индиана штатидаги Мэрисвилл шаҳри деярли буткул вайрон бўлгани ҳақида хабар берилмоқда.

**Германиянинг Гессен шаҳрида ноқулай об-ҳаво шароити сабабли кичик самолётнинг қулаши оқибатида уч нафар инсон ҳалок бўлган, яна бир қанча одам бедарак йўқолган ҳисобланиб, қутқарувчилар уларни топиш умиди йўқлигини таъкидлашмоқда.**

Польшадаги Шекотинага яқин ҳудудда иккита йўловчи поезд тўқнашиб кетиши натижасида 16 нафар инсон ҳалок бўлган, 50дан ортиқ йўловчилар турли даражадаги жароҳат олган, мамлакатда эса нохуш воқеа сабаб икки кунлик мотам эълон қилинган.

**Мадагаскарда кузатилган, бир сонияда 55 метр тезликда ҳаракатланган «Ирина» тропик пўртанаси ҳозирга қадар камида 65 нафар инсоннинг ҳаётига зомин бўлди ва 70 мингдан ортиқ одамларни бошпанасиз қолдирди, дея хабар берди Франс-Пресс.**

Амстердам — Париж йўналишида ҳаракатланаётган тезюрар поезд двигателида ёнғин чиққани боис ҳаракат воситаси Франциянинг Аррас шаҳри яқинида тўхташга мажбур бўлиб, 480 нафар инсон «қамал»да қолиб кетган.

**Австралиядаги Маррамбижи дарёсидаги дамбанинг қулаш хавфи борлиги ва бу ўз навбатида сув тошқинини юзага келтириши мумкинлиги сабабли Уогга-Уогга шаҳрининг 9 мингга яқин аҳолиси эвакуация қилинди.**

2005 йилда 1-Тошкент педагогика коллежи томонидан Сатиллаева Мастура Собировна номига берилган Т № 233965 рақамли диплом ёнғин оқибатида яроқсиз ҳолга келганлиги учун
**БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

## Dam olish sahifasi

# ФАРМОНБИБИ ВА КЎКЛАМОЙ

## хаёлий суҳбат



... Бу тонг Фармонбибини қақажон келини Сотти эмас, қалдирғочларнинг чуғур-чуғури уйғотди. «Вой, Соттиси қурмағур-ай, ҳалиям ноз уйқудамикан...» дея хаёлидан ўтказди у, ўзи ҳам нимагадир туришга мажоли келмаётгандек.

«Ҳа, айтгандай, кеча негадир дармоним йўқ. Бошим айланаяпти...», деяётгандек бўлувди. У шу ўй билан ўрнидан қўзғалди-да, бориб дераза ойнасини очди. Шуни кутиб тургандек хиёл ўтмай қалдирғоч айвонга пириллаб кирди-да, шифтдаги ўтган йили ўзи ин қурган бурчакни гир-гир айлана бошлади. Фармонбиби уларнинг ҳаракатини кузатаркан, «Шу муштдеккина жонга ҳам Ватан азиз-а» деди астагина шивирлаб. Қулоғининг остида эса таниш ширали овоз жаранглаётгандек бўлди:

***Қалдирғоч қаро бўлур,***
***Қўшиғи аъло бўлур,***
***Қалдирғоч қош***
***қизларнинг,***
***Сўзлари даво бўлур!***

«Оҳ, онажоним-а», дея уҳ тортди Фармонбиби. Қани эди, бола бўлиб қолсаму, бағрингизга бир бора бош қўйсам. Неча невара-ю чеварага момо бўлибману, сиз деган-да титраб соғинаман. Қабрингизни чечаклар безагандир. Кўкламой, сенга раҳмат, ям-яшил майсаларинг билан онагинамни ҳам йўқлаб борганинг аниқ».

Фармонбиби инқиллаб супага чиқди. Негадир ҳеч ким кўринмайди. «Сотти ухладими, ҳаммага байрам» — дея сўри томон юрди. Ҳовлиларининг ўртасидан ариқ оқиб ўтади. У эътибор бермаган экан, ариқ бўйида ялпизлар жилмайишиб, бир-бирига «қўл узатиб» анчагина «чўзилиб» қолишибди. Фармонбиби улардан бирини юлиб кўзларига суртаркан, «Етказганингга шукур. Юртимиз тинч бўлиб, элимиз фаровон яшасин» деб қўйди шукрона билан ичида. «Тавба, ан-у физкультурник Нигораям жим, у аллақачон туриб ҳовлини гир айланиб чопиб юрарди-я...».

«Келинларингиз толиқибди, онажон. Ахир ҳозир йўғон чўзилиб, ингичка узиладиган пайт-да». Таажжубда буви бу садо қаердан келганини билолмай турган пайт, «Мен кўкламойман, ахир ҳар йили эшигингиз қоқиб келаман-ку — деди яна ўша овоз. — Кўриб турганингиз ялпизхонлар асабларни тинчлантириш билан бирга, ошқозон-ичак фаолиятини яхшиловчи, тинка қуриши, ҳолсизланишнинг олдини олиб организмни мустаҳкамловчи хусусиятга эга. 5—20 граммча ялпизни териб, 200 грамм сувда 15 дақиқа қайнатиб, қайнатмани докада сузиб 2 маҳал овқатдан ярим соат аввал ичилса борми, куч-қувватнинг манбаини топгандек бўласиз. Макарондан ташқари «меню»нгизга ялпиз чучвара-ю, сомсаларни ҳам қўшингда энди».

«Ҳо, — деди Фармонбиби елкасини буриб, унга ёғ керак, гўшт қўшамиз дейишади. Майли, ўйлаб кўраман, кўндирдинг. Давом эт-чи».

«Неча кунки келинларингизга иссиқхонангизда унган редискаларни тердирасиз, боғлатасиз, соттирасиз. Лекин едирмайсиз. Бу неъматнинг 100 граммида 25 грамм С витамини мавжуд бўлиб, у киши организмининг шу витаминга бўлган бир суткалик эҳтиёжини қоплайди. Ундан ташқари унда $B_1$, $B_2$, РР витаминлари, ферментлар, микроэлементлар, эфир мойлари ҳам мавжуд. Таркибидаги калий эса организмнинг «мотори», яъни юрак иш фаолиятини меъёрида сақлайди».

«Лутпим юрагим деяётувди, — дея ўрнидан туриб кетди Фармонбиби. — Пулни сандиққа босмай мен ўлай. Бугундан маҳсулотнинг ярмини соттирсам, ярмини қатиққа тўғраб дастурхонга торттираман».

«Энди ўзингизга келдингиз, — деди Кўкламой бўш келмай. — Ундай бўлса, бир йили уруғини сепсангиз, неча йил ўзи чиқиб ўзи кўпайиб ётадиган беоргина укроп томон ҳам «қиё боқинг». Унинг ер остки қисмидан тайёрланадиган дамлама овқат ҳазм қилишини яхшилаш, елни ҳайдаш билан бирга, юрак уришини мўътадиллаштириб, қон томирларини кенгайтиради. Қайсидир набирам онасининг сутига тўймаяпти, девдингиз. Худди ана шу дамлама она сутини кўпайтириш, модда алмашинувини яхшилаш, қонни кислород билан бойитиш хусусиятига ҳам эга. Айниқса, сизга фойдали — суяк тўқималарини мустаҳкамлайди. «Бечора карам»ни хушламаслигингизни биламан. Сиз ёқтирмаганингиздан кейин набираларингиз ҳам бурнини жийиради-да. Лекин лашкарларга куч-қувват бахш этиш мақсадида жангга кириш олдидан уларга, жумладан, карам ёки карамли овқатлар тайёрлаб берилгани ҳақида маълумотлар бор. Чунки карам таркибида қанд моддаси, оқсил, минерал тузлар, турли ферментлар, олтингугурт ва фосфор тузлари, С.А, $B_1$, $B_2$, $B_5$ РК сингари дармондорилар бор... Яна, бувижон, келинларингизни фақат «уй қизи» қилиб қўймай қирадирларга ҳам сайрга олиб чиқинг. Ахир, тоза ҳаво — танга даво, дейдилар. Аммо бундай кезлари набираларингиз, майли, лолаларни терсинлару, илдизпояларига зинҳор озор етказишмасин. Табиат ҳам эъзозлаганларни эъзозлайди».

Хуллас, шу тонг Фармонбиби билан Кўкламойнинг суҳбати қизигандан қизибди. Тушликка эса, исмалоғу жағ-жағ, райҳонлардан пиширилган сомсалар, Кўкламойнинг кўкатлари тортилибди.



*Аёл — ҳаёт чироғи.*

* * *

*Аёлнинг саришташи — рўзғорнинг фариштаси.*

**Ўзбек халқ мақоли**

*Она қалби — битмас-туганмас мўъжизалар макони.*

**П.Беранже**

*Ақлли хотин эрини бой қилади.*

**Вьетнам мақоли**

*Бир яхши қиз иккита ёмон ўғилдан афзал.*

**Абхаз мақоли**

*О, онанинг олижаноб меҳри! Сизнинг соянгиз, ҳатто заифгина шарпангиз ҳам юракларни поклаб, одамларни фаришталарга менгзатиб қўяди.*

**Ч.Диккенс**

*Энига қараб газламага, хотинига қараб эрига баҳо берадилар.*

**Япон мақоли**

*Йўл уч тоифа одамларга бўшатиб берилади: қариларга, болаларга ва аёлларга.*

**Хитой мақоли**

# ГУЛҚИЗЛАР МАДҲИ

## назмий таъриф

Гулбаҳор нозланиб келса, кўнгилларда кулар баҳор, Гулчеҳра нимтабассум қилса, чеҳралар ҳам ёришар. Гулираъно, Гулизебо ҳуснига ҳайрон чаманзор. Гулбаданнинг кокилига хуштор бўлибдур мажнунтол. Гулжаҳоннинг таърифига сўз излар жумлаи жаҳон. Тунлари Гулюзга ойнакдин термулар кўкда ҳилол. Сара-сара чечаклар жамланиб Гулсарага тенглашолмай, ошиқларин доғида куйдирмакка шай Гулнигор. Бонуларга латофатдан сабоқ берармиш Гулбону, Гулзоданинг йўлларини пойлаб ўтармиш гулсапсар. Гулмирахон лутф айласа, болга айланмиш ҳар калом, Гулшан ороланиб чиқса, ортга тисланмиш минг санам. Навоий бисотин очсам, Гули кетмас хаёлимдин. Вафо-садоқат мулкига султон саналмиш Гуландом. Висолингиз куйида Мажнунга айланмиш аҳли ишқ, бир қадам ранжида этмоқ шунча мушкулми Гулором. Минг қўйга солмиш бу жонни, юракни ўртар бир хумор, сезиб билмасга олсангиз қайга борай, мен Гулхумор?! Гулпарими, Гулбекамми, Гуласалми исмингиз? Оппоқ тонг сиздан хабар келтирарми, жоним Гулқиз? Оҳингиздан қизармишми қизғалдоғу ҳар лола, алам сизга ярашмайдур, хандон отингиз Гуллола. Яшнаб кетар кўклам бағри сиз қилсангиз табассум. Куртак ёзган ҳар ниҳолда умид, илинж бор-а, Гулсум?!

Қай пари дунёга келтирмиш, сизни гул баргига ўраб. Сўнгра гулга қиёс этмиш, жисмни исмга боғлаб. Не десам ҳам ҳаёт гўзал сиз Гулноралар бор учун. Йигитлар белида қувват, сиз Гулсанамлар ёр учун. Онасиз, Сиз опа-сингил, мунису муштипар қизсиз.

Бор бўлинг, бахтли бўлинг, давраларнинг гултожисиз. Сизни мадҳ этмоққа билдим, қўлдаги бу қалам ожиз!





# АЁЛ

*Аёллар ҳақида бир шеър айтайки,*
*Тинглаб баҳорларнинг келсин ҳаваси.*
*Бир шеърки, чўғланиб ҳар бир мисраси,*
*Борлиққа таралсин ўтли нафаси.*

*Аёллар ҳақида бир шеър айтайин,*
*Ҳасаддан сарғайсин тинглаб мезонлар.*
*Оламга садоси таралган сайин,*
*Қорлар йиғлаб, кулсин абру найсонлар.*

*Лекин бу ҳавас-да, оддий бир ҳавас,*
*Фақат ҳавас билан ҳеч иш битмайди.*
*Аёллар шаънига шеър битмоқ учун*
*Мен ғариб шоирнинг кучим етмайди.*

*Чунки жо бўлгандир аёл қалбига*
*Барча фаслларнинг ажиб хислати.*
*Ўзин аёл қадар безатмоқ учун*
*Етмас тўрт фаслнинг зебу зийнати.*

*Шу боис, ожиздир менинг-да шеърим,*
*Шу қадар улуғвор, гўзалдир аёл.*
*Бутун гўзаллигин, бор меҳрин бериб,*
*Табиат яратган ғазалдир — Аёл!*

**Зикрилла НЕЪМАТ**

# «8 МАРТ» ТОРТИ

## Байрам дастурхонига

Албатта, баҳорий бу гўзал байрам гул ва ширинликларсиз ўтмайди. Чунки хотин-қизларимиз гул ва ширинликни кўрганда яйраб кетишади. Шунинг учун ҳам қутловларга ошиқаётганларнинг қўлида шу кунлари гулдаста ва чиройли безалган тортларни кўрамиз. Тортни пиширишни эса унча-бунча уй бекалари ҳам уддалашолмайди. Шундай бўлса-да, ака-укаларимизга катта умид ва ишонч билан «8 март» тортини пиширишга доир кўрсатмаларни бермоқчимиз. Негаки, «Қулоғи билан севувчи» аёл зоти, кўчадан кўтариб келинган совғадан кўра, кимдир уни хурсанд қилиш учун тер тўкаётганини сезса, юз карра ортиқроқ хурсанд бўлади.

***Хамирига:*** *6та тухум, 250 гр маргарин, 300 грамм сметана, 3 стакан шакар, 4-5 стакан ун, 1 чой қошиқ истеъмол содаси.*

***Кремига:*** *250 гр сариёғ, 1 банка қуюлтирилган сут, 2 стакан ёнғоқ керак бўлади.*

***Тайёрлаш усули:*** *Тухум сариғи атала қилиниб, сметана, чой содаси, ва шакар солиб, яхшилаб аралаштирилади. Алоҳида идишда ун билан маргарин уқаланади. Унга тухумли масса қўшилиб, юмшоқ ва ёпишқоқ хамир қорилади. Хамир 2 соат давомида музлаткичда тиндирилади. Сўнгра 4та зувалачага бўлинади. Ҳар бир зувала ёйилиб, устига ёнғоқ сепилади. Қолган тухум оқидан эса қаттиқ безе тайёрланади. Безе ҳар бир хамир устига қўйилиб, 40 дақиқа паст оловда духовкада пишириб олинади. Тайёр бўлган 4 хамир крем ёрдамида бир-бирига ёпиштирилади. Тортнинг усти ҳам крем билан текисланиб, ёнғоқ сепилади.*

***Крем тайёрлаш:*** *юмшатилган сариёғ қуюлтирилган сут билан миксер ёрдамида яхшилаб аралаштирилади. Сўнг озгина майдаланган ёнғоқ қўшилади.*

**Саҳифани О.ОЧИЛОВА тайёрлади.**

# СПОРТЧИ ҚИЗЛАРГА БАЙРАМ ТУҲФАСИ

## ЖИЗЗАХ

Иқтидорли спортчи қизлардан бири Феруза Умрзоқова Жиззах туманидаги 14-мактабнинг 8-синфида ўқийди. Барча фанларни аъло баҳоларга ўзлаштирмоқда. Спорт унинг жони дили. У мактабда ташкил этилган спорт тўгаракларида мунтазам қатнашиб келади. Қўл тўпи спорт турига унинг меҳри ва ихлоси бўлакча.

Уч йилдан буён мактаб, туман ва вилоят миқёсида турли мусобақаларда қатнашмоқда. Эътиборлиси, Феруза билан бирга ўйнайдиган тенгдошлари Азиза Норқўзиева, Мухлиса Абдувалиева, Сетора Сафарова, Зуҳра Қодирова қўл тўпи бўйича вилоят терма жамоа аъзолари ҳисобланади. Ферузанинг шу кунлардаги қувонч ва шодлиги ўзгача. Чунки ёш спортчи тенгдошлари қатори Президент совғаси — спорт кийими билан тақдирланди.

Ўқувчи қизларга спорт либосларини топшириш тантанаси туман бўйича 14-мактабда ташкил этилди. Бу ерда спортнинг 14 тури бўйича мунтазам машғулотлар йўлга қўйилган. 4 нафар малакали жисмоний тарбия фани ўқитувчиси ёшларга спорт турларини ўргатмоқда.

... Шўх куй-қўшиқлар ёш спортчилар ва меҳмонларни тадбирга чорлади. Тадбирда ўқувчи-қизларга спорт кийимларини топшириш тантанасида вилоят ҳокимлиги, халқ таълими бошқармаси, Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси вилоят бўлими ҳамда кенг жамоатчилик вакиллари иштирок этди.

— Бугунги қувонч ва ҳаяжонимнинг чеки йўқ, — деди Феруза Умрзоқова. — Президентимиз совғасига сазовор бўлганимдан бошим осмонга етди. Узоқ чекка қишлоқларда спортни ривожлантиришга кўрсатилаётган эътибор ва ғамхўрлик бизни ҳамиша янги ғалабалар сари руҳлантиради. Бу совға эса зиммамизга янада каттароқ масъулият юклайди. Мен шу кунгача жамоамиз билан биргаликда қўл тўпи бўйича Бухоро, Термизда ўтказилган республика мусобақаларида иштирок этганман. Энди мамлакат ва халқаро миқёсдаги мусобақаларда қатнашишга ҳаракат қилаяпман.

Шу куни туман бўйича 804 нафар ёш спортчи ана шундай совғага эга бўлди.

**Абдусаттор СОДИҚОВ**

## СУРХОНДАРЁ

Шўрчи туманининг чекка ҳудудларида яшовчи қишлоқ болаларининг спорт билан мунтазам шуғулланиши учун қулайликлар яратилди. Бундан руҳланган ёшларимиз республика, ҳатто халқаро беллашувларда юқори кўрсаткичларга эришяпти. Уларнинг янада фаоллашишини таъминлаш мақсадида бугун спорт билан мунтазам шуғулланадиган қизларимизга спорт кийимлари топширилди.

Тиббиёт коллежига узоқ қишлоқлардан келган минглаб қизларимиз қалби қувончга тўлди. Уларга Президент фармойишига асосан спорт кийимлари тарқатилди. 874 нафар мактаб ўқувчиси, 229 нафар махсус мактаб-интернат қизлари, 216 нафар коллеж ўқувчиси, 34 нафар кам таъминланган оила фарзанди ушбу эътибордан баҳраманд бўлишди.

— Коллежимиз туман марказидан 25 километр узоқликда жойлашган, — дейишди спорт кийимини олган коллеж қизларининг бир гуруҳи ўз таассуротларини биз билан ўртоқлашаркан. — Бу ерда эмин-эркин ўзимиз истаган спорт тури бўйича ташкил этилган тўгаракларга қатнашишимиз мумкин. Тенгдошларимиздан Насиба Омонтурдиева миллий кураш, Турсуной Султонмуродова шахмат-шашка, Роҳила Бозорова волейбол бўйича ўтказилган мусобақаларда туман, вилоят миқёсида яхши натижаларга эришган. Ишонамизки, ушбу тадбирдан сўнг сафимиз янада кенгаяди.

Бир сўз билан айтганда, спорт кийимлари қизларимизнинг спортга бўлган меҳри ва иштиёқини янада оширади.

**Норқувват ТЎРАЕВ**

## ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ

Баҳор фаслининг илк кунларида диёримизнинг барча ҳудудларида бўлгани каби Тошкент вилоятида ҳам спорт билан шуғулланаётган 6 ёшдан 18 ёшгача бўлган ўқувчи қизларга Президент совғаси — спорт кийимларини туҳфа этиш тадбирлари кўтаринки кайфиятда бўлиб ўтмоқда.

Вилоятда жисмоний тарбия ва спорт билан ҳамнафас бўлиб, ўз саломатлиги учун қайғураётган 15137 нафар ўқувчи-қизга бежирим усулда тикилган спорт либослари совға тарзида берилди.

Куни кеча Чирчиқ шаҳридаги академик лицейнинг спорт залида бўлиб ўтган ана шундай тадбирда туман ҳокимлиги ва жамоат ташкилотлари вакиллари, мураббийлар, таълим муассасалари ўқувчилари, спортчи қизлар ҳамда уларнинг ота-оналари гўё баҳорий кайфият манзарасини жонли тарзда чизиб беришди.

— Спорт кийимларини тантанали равишда тарқатиш туманимиздаги спорт билан мунтазам шуғулланаётган ўқувчи-қизларни мукофотлаш маросимигина эмас, балки бу орқали фақат мактабдаги жисмоний тарбия фани машғулотлари билан чекланиб қолаётган қизлар кўнглида тақдирланаётган дугоналарига нисбатан ҳавас уйғотиб, спортга мунтазам жалб этиш масаласи устувор, назаримда, — деди Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси Чирчиқ шаҳар бўлими вакили Руфат Сайлиев. — Шаҳримизда минглаб ўғил-қиз спорт билан узлуксиз тарзда шуғулланиб келади. Уларнинг орасида қизлар ҳам кўпчиликни ташкил этади. Бугунги тантанали маросимда ўз иқтидори билан эришаётган ютуқлари билан мураббийларда умид уйғотган 529 нафар қизга Президентимиз совғаси — спорт кийимлари тарқатилди.

Спорт кийимлари билан тақдирланган чирчиқлик қизлар орасида 20-мактабнинг 4-синф ўқувчиси Мадина Ҳакимова ҳам бор. У беш ойдан буён сузиш билан мунтазам равишда шуғулланмоқда. Ҳали йирик мусобақада ўз омадини синаб кўрмаган бўлса-да, спорт билан машғул бўлиш унга жуда ҳам манзур бўлаётганини яширмади.

— Ушбу совғани олганимдан сўнг мени синфдошларим табриклади. Ўзим спортчи қиз бўлсам-да, хурсандлигимдан йиғлаб юбордим, дедим, — деди ҳаяжонини яширолмай М.Ҳакимова. — Дугоналарим мени ўраб олишиб, спорт кийимини завқ билан томоша қилишаркан, "Мен ҳам бир марта кийиб кўрай?" дея сўрашмоқда.

Ҳа, минглаб қизларга берилган мазкур совғалар уларнинг тўғри йўлни танлаганини эътирофидир.

**Зоҳиджон ХОЛОВ**

**Бурҳон РИЗОҚУЛОВ, Муҳаммад АМИН (ЎзА) олган суратлар.**



# АЁЛ — ОНА — ГЎЗАЛЛИК

*Qizlar sporti*

**Эртанги куни, келажаги ҳақида қайғурадиган ҳар бир давлат, аввало соғлом ва баркамол авлодни вояга етказиш масаласига жиддий эътибор қаратади. Соғлом болаларни эса соғлом оналар дунёга келтиради. Юртимизда аёллар спортини ривожлантириш, хотин-қизларни спортга жалб қилиш бўйича амалга оширилаётган сиёсат замиридаги мақсад ҳам шу аслида.**




— Ҳаёт — муттасил курашлар майдони. Унда фақат энг кучлилар — қийинчиликдан қўрқмайдиган тиришқоқ инсонларгагина омад кулиб боқади. Ғалаба — ўз олдига юксак мақсадлар қўйиш ва уларга эришиш учун қатъият билан ҳаракат қилиш демак. Спорт мени иродали бўлишга, эришилган натижада тўхтаб қолмасликка, жонажон халқим, Ватанимни севишга ўргатди. Онам қўлимдан тутиб, гимнастика тўгарагига олиб борганида саккиз ёшда эдим ва спорт ҳақида деярли ҳеч нарса билмасдим. Аммо тез орада мусобақа ва машғулотлар ҳаётимнинг ажралмас қисмига айланди, — дейди 2011 йили бадиий гимнастика бўйича Ўзбекистон чемпиони унвонини қўлга киритган Жамила Раҳматова. — Юртимиз тинч, ёшларнинг таълим олиши, соғлом ва баркамол инсон бўлиб вояга етиши, жамиятда ўз ўрнини топиши учун давлатимиз томонидан яратилаётган имкониятлар кўлами йилдан-йилга ошиб бормоқда. Шу муқаддас элнинг фарзанди эканимдан фахрланаман. Айтишим мумкинки, ютуқларим давлатимиз раҳбарининг ёшларга, жумладан аёллар спортига қаратаётган улкан эътибори самарасидир.

1990 йилнинг 19 сентябрида Навоий шаҳрида таваллуд топган Жамила бешинчи синфгача шу ердаги 4-мактабда таҳсил олди. Бадиий гимнастиканинг нозик сирларини у дастлаб тажрибали мураббий Оксана Шевченкодан ўрганди. Ҳозир Жамила Ўзбекистон давлат жисмоний тарбия институти гимнастика факультетининг тўртинчи босқич талабаси.

— Оиламизда спортга қизиқмайдиган одамнинг ўзи йўқ. Кимнингдир теннисга, кимнингдир эса боксга иштиёқи баланд. Аммо профессионал спорт билан шуғулланиш бахти ёлғиз менга насиб қилган, — қувончини яширмайди Жамила. — Тинимсиз машқлар, мусобақалардаги муваффақият ва мағлубиятлар давомида шуни англадимки, катта спорт инсонни нафақат жисмоний, балки руҳий жиҳатдан ҳам чиниқтиради. Кескин кураш ва баҳслар унинг ҳаётига мазмун олиб киради, мағлубиятлар эса ўз устида ишлашга ундайди. Ҳар бир қиз — бўлажак она. У фарзандини тўғри тарбиялай олиши, турмуш «мураккаблик»ларига бардошли бўлиши учун ҳам спорт билан шуғулланиши керак. Зеро, оилада тотувликни сақлаш, меҳр-оқибат муҳитини яратиш, биринчи навбатда, аёлнинг вазифаси ҳисобланади.

Ҳозир Ўзбекистонда хизмат кўрсатган мураббий Анелла Малкина Жамилага бадиий гимнастика оламининг баланд-паст йўлларида қоқилмасдан олға интилишни ўргатиб келмоқда. Спортни ривожлантириш борасида давлатимиз юритаётган сиёсат натижаси ўлароқ, 2009 йили Жамила бадиий гимнастика бўйича Осиё чемпионатида иштирок этиб, бронза медали соҳибига айланди. 2010 йили эса Хитойнинг Гуанчжоу шаҳрида бўлиб ўтган Осиё ўйинларида кумуш медални қўлга киритди.

2011 йил ёш спортчи қизнинг ҳаётида ўчмас из қолдирди. Худди шу йили у Осиё чемпионатидаги жамоа баҳсларида бронза медалини қўлга киритди. Франциянинг Монпелье шаҳрида бўлиб ўтган жамоа баҳсларида муносиб қатнашди.

— Албатта, ҳар қандай спортчи каби мен ҳам Лондонда ўтказиладиган Олимпия ўйинларида қатнашиб, яхши натижаларни қўлга киритишни орзу қиламан. Шу билан бирга, ўқишни аъло баҳоларга якунлаб, магистратура босқичида таълимни давом эттириш ниятим ҳам бор. Яна спортга қайтадиган бўлсак, навбатдаги Осиё ўйинлари жамоа баҳсларида биринчи ўринни қўлга киритишни ўз олдимизга жиддий мақсад қилиб қўйганмиз. Ҳар бир инсон ҳаётида жуда муҳим ўринга эга бўлган зот, шубҳасиз, ОНА. Баҳорнинг илк кунларида нишонланадиган 8 март — Халқаро хотин-қизлар куни эса оналаримизга эҳтиром кўрсатиш, уларнинг кўнглини кўтариш учун бизга берилган имконият. Шу имкониятдан фойдаланиб, барча оналарни, ҳамма аёлларни байрам билан қутлайман!

**Висола ҚАРШИБОЕВА, "Ma'rifat" мухбири**




**Ma'rifat**

*TA'SIS ETUVCHILAR:*

*O'zbekiston Xalq ta'limi vazirligi, O'zbekiston Oliy va o'rta maxsus ta'lim vazirligi, O'zbekiston Ta'lim, fan va madaniyat xodimlari kasaba uyushmasi Markaziy Kengashi.*

Bosh muharrir: Abdusamat RAHIMOV

Tahrir hay'ati: Madamin ARIPJANOV, Jumanazar BEKNAZAROV, Baxtiyor DONIYOROV, Bahodir JOVLIYEV (bosh muharrirning birinchi o'rinbosari), Akmal ISLOMOV (mas'ul kotib), Mahmuda MURZAYEVA, Husan NISHONOV (bosh muharrir o'rinbosari), Nurlan USMONOV (bosh muharrir o'rinbosari, “Учитель Узбекистана”), Aleksey CHUKARIN (mas'ul kotib, “Учитель Узбекистана”), Sa'dulla HAKIMOV.

Gazeta O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida № 0067 raqam bilan ro'yxatga olingan.

ISSN 2010-6416

9 772010 641009

INDEKS: 149, 150. Г-318. Tiraji 56133. Hajmi 4 bosma taboq. Ofset usulida bosilgan, qog'oz bichimi A-3.

*«Ma'rifat»dan materiallarni ko'chirib bosish tahririyat ruxsati bilan amalga oshirilishi shart. Tahririyatga kelgan qo'lyozmalar taqriz qilinmaydi va muallifga qaytarilmaydi.*

*Reklama materiallari uchun tahririyat javobgar emas.*

MANZILIMIZ: 100083, Toshkent, Matbuotchilar ko'chasi, 32.

Web-site: www.marifat.uz

TELEFONLAR: mas'ul kotib—233-99-15, umumiy o'rta va maktabgacha ta'lim yangiliklari bo'limi — 236-53-16, fan, oliy va o'rta maxsus, kasb-hunar ta'limi yangiliklari bo'limi — 236-54-03, adabiyot, madaniyat, kasaba uyushmalari hayoti yangiliklari bo'limi — 236-54-69, ma'naviyat va maktabdan tashqari ta'lim yangiliklari bo'limi — 236-54-23, siyosat, xalqaro hayot va sport yangiliklari bo'limi — 236-55-58, reklama va marketing bo'limi — 233-42-92(faks), 236-54-17.

Bahosi sotuvda erkin narxda

Dizaynerlar: Malohat TOSHOVA, Liliya BINASHEVA.

Navbatchi muharrir: Sharifa MADRAHIMOVA.
Navbatchi: Sherali NAMOZOV.

*«Sharq» nashriyot-matbaa aksionerlik kompaniyasi bosmaxonasi.*

Korxona manzili: «Buyuk Turon» ko'chasi, 41-uy

ЎзА якуни — 21.15
Topshirildi — 22.05